

*Дўстлик кутубхонаси*

---

*СССР халқлари шеърияти*



Демьян Бедний  
ШЕЪРИМ

Сайланма  
Шеърлар, балладалар, поэмалар

---



ТОШКЕНТ—1980

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

ББК 84Р  
Б 46

Р е д к о л л е г и я :

Б. Бойқобилов, И. Гафуров, Ҳ. Гулом, З. И. Есенбоев, В. Й. Зоҳидов, Зулфия, М. Қўшжонов, Мирмуҳсин, Н. Сафаров, Р. А. Сафаров, Р. Файзий, П. Шермухамедов, О. Ёқубов, К. Яшин (редколлегия раҳбари).

Тўпловчи *А. Алимбеков*

Б  $\frac{47020101000-57}{М 352(04)-80}$  131—80

## БУЮК ИНҚИЛОБНИНГ БУЮК ШОИРИ

«Звезда» газетасининг 1911 йил 16 апрель сонида «Демьян Бедный—нобон деҳқон ҳақида» номли шеър «Е. Придворов» имзоси билан эълон қилинди. Бу шеър билан кўпчиликнинг оғзига тушган ёш шоир бир кун редакцияга келаётганида ходимлардан бири «Демьян Бедный келяпти» деб қолди. Бу ном шундан сўнг шоир тахаллусига айланди. 1912 йилнинг 23 февраль «Звезда» газетасида босилган «Какку» масали тагида «Демьян Бедный» номи бўлиб, бу ёш шоир Ефим Придворовнинг биринчи бор матбуотда «Демьян Бедный» тахаллуси билан чиқиши эди.

\* \* \*

Демьян Бедный (Ефим Алексеевич Придворов) 1883 йилнинг 1 апрелида Украинанинг Херсон губерниясидаги Губовка қишлоғида туғилди. Шоирнинг отаси Алексей Придворов ишсизлик азобини кўп тортган камбағал киши эди. Бобоси Софрон Придворов халқ оғзаки ижодининг билимдонларидан бўлиб, набирасига кўпгина халқ қўшиқларини, эртакларини, латифаларини айтиб берарди.

Адабиётга жуда эрта меҳр қўйган Ефим диний мактабда савод чиқаргандан сўнг рус классикларининг асарларини ўқий бошлайди. Бобосининг суҳбатини тинглашу китоб ўқиш бўлажак шоирнинг энг сеvimли машғулоти бўлиб қолади.

Иқтисодий жиҳатдан қулайлиги учун 1896 йилда Ефим Придворов Киевдаги ҳарбий фельдшерлар мактабига киради. Тўрт йил ўтгач, кичик офицер унвонидаги ҳарбий фельдшер сифатида мажбурий хизматга юборилади. Е. Придворов мажбурий хизматни тугатиб, ўқишни давом эттириш учун тўлиқ ўрта таълим олмагани туфайли шошилинч равишда саккиз йиллик эрлар гимназиясига имтиҳон топшириб, алоҳа етуклик аттестати олгач, ҳужжатларини Петербург университетига жўната-

ди. У 1904 йил кузини тарих-филология факультети студенти сифатида кутиб олди.

Большевик матбуот билан, коммунистик партиянинг атоқли вакиллари билан ҳамкорлик Д. Беднийни революция шоири сифатида шаклланишида катта роль ўйнади. 1912 йилдаёқ коммунистик партия сафига қабул қилинган Д. Бедний ўз шеърлари билан революция ишига хизмат қилди, В. И. Лениннинг эътиборини торғди.

В. И. Ленин 1911 йили шоир шеърларини «Звезда» газетасида ўқиб, редакцияга йўллаган мактубида Д. Бедний ҳақида сўраб ёзганди.

1912 йилдан Д. Бедний доҳий билан хат ёзиша бошлайди. Унга шеърларини юбориб, маслаҳатлар сўрайди. «Правда» ходимларидан баъзилари Д. Беднийга ишончсизлик билдираётганини эшитган Владимир Ильич 1913 йил редакцияга ёзган хатида шоирни ёқлаб шундай ёзганди: «Демьян Беднийга келганда, мен ҳамон уни ёқлайман. Дўстлар, кишининг заиф томонига осила берманг! Кам учрайдиган талант. Уни систематик равишда ва эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш керак»<sup>1</sup>.

Владимир Ильич умрининг охиригача Д. Бедний ижодини қизиқиб кузатган ва шеърларини тинглашни севган. «Ильич ҳаётининг сўнгги ойлари,—деб ёзади Н. К. Крупская.—Ильичнинг топшириғи билан мен унга, одатда, кечқурунлари беллетристика ўқиб берар эдим. Шchedриннинг асарларини, Горькийнинг «Менинг университетларим» асарини ўқирдим. Бундан ташқари, у шеърлар тинглашни, айниқса, Демьян Бедний шеърларини тинглашни севар эди. Аммо унга Демьяннинг ҳажвий шеърларидан кўра серзавқ шеърлари кўпроқ ёқарди»<sup>2</sup>.

В. И. Лениннинг Кремлдаги кутубхонасида революциянинг илк йиллари нашр қилинган Д. Беднийнинг ўнта китобининг сақланиши, доҳий Д. Бедний шеърля-

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин адабиёт тўғрисида. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1974 й., 242-бет.

<sup>2</sup> Н. К. Крупская. Ильич бедний адабиётдан нималарни ёқтирар эди. В. И. Ленин адабиёт тўғрисида. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1974 й., 308-бет.

тига жуда ҳурмат билан қараганлигини кўрсатувчи фактдир.

Ўз ҳаётининг қирқ йилдан кўпроғини адабий ижодга, коммунистик партия ишига бағишлаган Д. Бедний асарларида биз биринчи рус революциясидан Улуғ Ватан урушигача бўлган халқимиз тарихини, ҳар бир улуғ воқеаларнинг аке садосини, бу даврдаги адабий оқимлар ўртасидаги курашни кўришимиз мумкин.

Шоир Улуғ Октябрь революциясигача ёзган шеърларида халқни курашга чақириб, синфий душманларни сатира тиги билан фош қиларди. Бу даврда масал жанри шоир ижодида асосий ўринни эгаллайди. Д. Бедний Крилов традицияларини давом эттириб, оригинал асарлар ҳам яратди. «Какку», «Эстетика», «Чориқ ва этик» масаллари шоирнинг сиёсий темадаги ажойиб масалларидир. Д. Бедний Пушкин, Крилов, Шчедрин, Некрасов ва Толстой асарларини қунт билан ўрганди. Айниқса, Д. Бедний ижодига Крилов ва Некрасов шеърятининг таъсири кучлидир. Революцияни Д. Бедний етук пролетар шоири сифатида қаршилади. Инқилоб йиллари Д. Бедний ўзининг «Ер, эрк ва ишчи қисмати ҳақида» шеърини повестини ёзиб, рус адабиётига биринчи марта В. И. Ленин сиймосини олиб кирди. Коммунист Клим Қозлов образини яратди. Повесть даврнинг кенг панорамасини қамраб олгани билан характерланади.

1917—1920 йилларда шоир китоблари турли шаҳарларда нашр қилинди. Д. Беднийнинг 1919 йили Тошкентда «Ер, эрк ва ишчи қисмати ҳақида» повести, 1920 йили Самарқандда «Генерал Шкура» ва «Алданган биродарларга» китоблари босилиб чиқди. Шоирнинг «Катта кўча» поэмаси совет поэзиясининг олтин фондидан ўрин олган, синфий кураш темасидаги энг яхши асарлардандир. Халқ кўп курашлар, қийинчиликлардан сўнг Катта кўчага, яъни янги тузум йўлига чиқиб олди.

Динга қарши кураш темаси ҳам шоир ижодида катта ўрин тутди. У ўз асарларида черков амалдорлари, руҳонийларнинг бутун қабиҳликларини фош қилди. «Исо тирилди», «Монастирда» каби масаллари шулар жумласидандир.

Тематик жиҳатдан ранг-баранг бўлган Д. Бедний поэзиясини ўз даврининг йилномаси дейиш мумкин. Шоир ижодида Совет Шарқи, хусусан ўзбек халқи ҳаёти билан боғлиқ асарлар ҳам анчагина. Д. Бедний-

Ликвидаторлар қўрасида  
Айюҳаннос эди авжида!  
Мартов ҳамда Дан жўрасидан  
Хурсанд эди миршаблар жуда.

Юрагин ёғ босган ҳар баққол,  
Ҳар бир тили бесуяк ваъзхон  
Бизни дерди: бу—илон, баттол,  
Мешчанликка солардик қирон.

Шафқатсиз ёв бўғди неча бор,  
Сафлар ҳатто хато ҳам бўлди.  
Иироқ юртдан янграб беғубор,  
Сўзинг бизга чин малҳам бўлди.

Чидаб заҳматларнинг барига,  
Курашдик ва қилдик тантана.  
Озодликнинг тик йўлларига  
Ол байроқни ўрнатдик яна.

Қалбларимиз ишончга тўлиқ,  
Бу сарҳаддан чекинмас байроқ:  
— Уни ҳеч бир душманнинг қўли  
Асло, асло этолмас нопок!

1918





## ҚОР УЧҚУНЛАРИ

Кечаги изғирин қор учқунлари  
Босди ёлғиз оёқ йўлларни бутун.  
Ҳамон олмайин тин қор учқунлари  
Паришон арчани кўймоқда букун.

Қор босган юк билан ётар кўмилиб,  
Сукунат қоплаган ҳар қашшоқ қишлоқ,  
Яна кўз олдимда ғуссага тўлиб,  
Маъюс кун ёришар, ёришар ҳар ёқ.

Афтидан, ўз йўлин ўзгартди ер ҳам,  
Афтидан, дунёни қоплади зулмат.  
Ночорликдан ёки қўрқувдан бу дам  
Совуқ нафас олди қаҳратон қиш ҳам.

Унутмоқ мумкинми, Горкида<sup>1</sup> халқнинг  
Доҳийга мотамин, ваҳму қайғусин.  
Ленинни узатиб, минг-миллион қалбнинг  
Лениннинг йўлидан қадам қўйганин!

Худди лента бўлиб тепадан қатор  
Қор босиб юрарди эллар оҳиста.  
Тинимни билмасдан учқунларди қор.  
Қордан оқарарди тобут ҳам аста.

1925

---

<sup>1</sup> Горки — Москва атрофидаги қишлоқ, В. И. Ленин вафот этган жой.

## НОЁБ ОДАМЛАР

Янгича ғоянинг тўлқинларида  
Олис уфқларга нигоҳ отамиз.  
Ёна-ёна кураш ёлқинларида,  
Ноёб одамларни ҳам йўқотамиз.

Буюк йўлбошчидан, ғамхўр доҳийдан,  
Не-не жангчилардан айрилдик бот-бот.  
Барҳаёт ишлар қизғин чоғида  
Дард билан уларни дафн этдик, ҳайҳот!

Аммо йўқотсак ҳам не-не одамни,  
Сафимиз зичлашиб, бўлмоқда маҳкам,  
Ҳали қўл тегмаган ер қатламини  
Белкураклар билан портлатиб ҳар дам,  
Маданий ҳаётни қурамиз шаҳдам.

1926

## ҲЕЧ ҚИМ БИЛМАГАНДИ

(1870 йил 22 апрель)

Ҳар кунгидай оддий кун эди,  
Ҳар кунгидай одатий йўсин.  
Кўча-кўйлар сершовқин эди,  
Ел келтирар миршаб овозин,  
Кибрланиб меҳроб тошидан,  
Поп ноиби дайди соборда.  
Ичимлик дўконин қошида  
Мастлар тонгдан шовқин соларди.  
Епишгандай асалга чивин  
Ғала-ғовур эди бозор ҳам.  
Расталардан ясан ва тусан  
Мешчанкалар ўтарди хуррам.  
Маҳкаманинг эшиги ёққа  
Мужик боқар дардли мўлтайиб.  
«Манифест»дан йиртиқ варақа  
Қаршисида турар сарғайиб.  
Боғлангандай занжирга ҳайвон  
Қаланчадан пожарний жилмас,  
Машқ қилишиб ҳарбий майдонда,  
Солдатлар ҳам тинимни билмас.  
Дарё сари оқади карвон,  
Бурлаклар чанг тўзғиб йўл олар.  
Отлиқ миршаб, билмадим, қаён  
Студентни қуршаб йўл солар.  
Қичқирарди маст-аласт қай бир  
Фабрикали кимнидир койиб:  
«Эй, бечора студент, хайр!»

. . . . .

Ҳеч ким билмас, билмас Россия,  
Эл кўтармиш одатий хочин,  
Уша куни, оддий бир кунда  
Россияда Ленин туғилганин.

1927

## **ЛЕНИН БИЗ БИЛАН**

**Генийларнинг буюк ижоди  
Бир муддатга яшамас фақат.  
Тарбиялар неча авлодни  
Самараси айлаб баҳраманд.**

**Устозларнинг битмас мероси  
Асло битмас эзгулик эрур.  
Лениннинг бу тирик овози  
Ҳамон янграб қудратли, мағрур.**

**Меҳнатда ҳам Ленин биз билан,  
Курашларда бизга ёнма-ён.  
Улуғ Ленин номи ёзилган  
Ол байроқни кўтариб баланд  
Биз борамиз ғалаба томон.**

**1944**

## ДЕМЬЯН БЕДНИЙ—НОБОП ДЕҲҚОН ҲАҚИДА

---

\* \* \*

Безовта кутаман ҳар бир эртанги куним  
Қаттиқ босинқираш каби ҳолатим.  
Менга ҳар тонг хабар берар жазо ва ўлим—  
Кўрганлар ҳақида. Йўқ ҳаловатим!  
Тинглайман кимларга шафқат кўрсатмай тақдир,  
Кимнинг куни битди бунчалар эрта.  
Ким ҳаёт нашъасин сурмай кетмиш, бебахтдир,  
Тун тугаб бораркан, яна тез урар юрак,  
Виждон қийналади, дилда изтироб..  
Рухим безовтадир уйқум мудом жонсарак,  
Тушларим даҳшатли, ўйнайди юрак,  
Уйқуда пичирлаб, чекаман азоб!  
Қулоққа чалинар занжир, эшик ғийқ-ғийқи  
Додлаш... шовқин-сурон... Оёқнинг саси.  
Жанг даҳшати ва нидолар, ёввойи йиғи..  
Гурсиллаб қулашлар, жон талвасаси!  
Бу қўрқинчли ҳангомалар юракни тилар,  
Бошим гангиб борар, миям оғули.  
Ҳаяжонли фикрларим дилга ўт қалар,  
Мени она-Ватанимда кимлардир талар,  
Ёвузлар боқади, кўзи доғули.  
Ҳаёт сўнган, кўзин энди очолмайди ҳеч,  
Тонг чоғи осилган, музлаган тана.  
У нур бўлиб шуъласини сочолмайди ҳеч,  
Тонгни қаршилолмас қилиб тантана.

1908

## ДЕМЬЯН БЕДНИЙ—НОБОП ДЕҲҚОН ҲАҚИДА

Пичанзор бағрини ўт босмиш бутун  
Тепароқ жойларда ўсади бурган:  
Экинзор устини қоплагандай тун  
Туради Демьян.

Бирор иш қилмоққа ҳуши йўқ асло:  
Бунда недир етишмас, унда-чи нуқсон...  
Болалар чинқиришар, онада нидо...  
О, бахтсиз Демьян!


Бичиб-тўқиб урядник етказар хабар:  
«Бир бандан мўъминни қайтариб диндан,  
Имонли пок қулларни якшанба саҳар  
Чалғитар Демьян.

Ҳақ-ҳуқуқнинг ўзи асло келмайди,  
Деҳқон учун йўл битта, чўчир нимадан?  
Улар учун ҳеч кимса шафқат билмайди...»  
Гап шундай, Демьян!

Даҳа бошлиғи кетди Нееловога  
Куйиб-пишиб сўрар: «Ким у, айниган?  
Қия қилайин уни нариги дунёга».  
Эҳ, шўрлик Демьян!

«Элни чалғитиш? Тавба десин у расво!..  
Оёғини кишанлаб жўнатай бундан!..





Кўзи очилсин, топсин унда зўр жазо!»  
Эҳ, аттанг Демьян!

Депсинади, сўкинади шум, разил бой,  
Ёвуз деҳқон, исёнкор деб қаҳр билан.  
Тинчирмиди эрк кўрмаса у ҳойнаҳой?  
О, нобоп Демьян!

1909

## Л Е Н А

1912 йил 4 апрель—  
Ленада ишчиларнинг отилиши

Естикдошни кутар интизор,  
Болаларни қучганча хотин.  
— Кутма, кутма, кутмагил зинҳор,  
Қайтмас қилди уни бир сотқин!  
У жон берди, у эмас ёлғиз,  
Ётар тўнғич ўғлинг ёнма-ён.  
Қўзи очиқ кетмишди эсиз,  
Нигоҳида қотмиш мунг, фиғон.  
Атрофида ётар ўртоқлар.  
Тепа бўлди машъум қабристон!  
Қон тўкилиб ясаб ирмоқлар—  
Оқар бунда буғланиб чунон.  
Қуёш эса ялтирар беғам!  
Қотилликка бефарқ худо ҳам!  
— Биродарлар, лаънат ўшанга  
Ким бу кунни ёддан ўчирса,  
Бу қон учун ёвни кечирса!

1912

### ЕЗ

Сувсиз Ингул<sup>1</sup> ён бағри,  
Қўлимда бор яроғим.  
Ҳайқирар ишчи аҳли,  
Ут ўради ўроғим.

Ойна каби ўроғим,  
Қуёшни кўз-кўз қилар.  
Поёнсиз ўт ўрими  
Дарёгача чўзилар.

Ялт-ялт этади хаскаш,  
Қизлар қилишар ғарам.  
«Ҳа, нечун сизлар сусткаш,  
Иссиқ бермасми ором?»

«Сен-чи, қани бир марта  
Тут-чи, қўлингга ўроқ»—  
Деб боқар, шўхлик ортар  
Кўз қисиб, қилиб сўроқ.

«Гумон солма кўнглингга,  
Сингилжон, турма қараб.  
Уроқ тутқаз қўлимга,  
Мен ўрай, сен қил ғарам».

Қўлим тердан тийғаноқ  
Уроғим ўрар чаққон.

---

<sup>1</sup> И н г у л —дарёнинг поми.

Кўкатга солсам ўроқ,  
Ғарамлар ясар чунон.

«Балли, ошна, қойилмиз!»  
Кулишар ўроқчилар.  
Дам ўтмай кафтимда тез,  
Бўлди зап қадоқчалар.

Оғриққа бердим бардош,  
Жиқ терга ботдим бутун.  
Деҳқонлар билан ёндош  
Чайлада қолдим шу тун.

Бўтқа тотли туюлди,  
Насибам бир қозондан.  
Зап гангур-гунгур бўлди,  
Қувноқ суҳбат ҳарёнда.

«Эртага, ҳамқишлоқлар,  
Яна бўламан ҳамдам.  
Қисажакман, ўртоқлар,  
Қадоқ қўлингиз бардам».

1912

\* \* \*

Гусса билан тўлди сабр косамиз,  
Қон билан тер бунда турар қоришиб.  
Аммо қудрат сўнмай шаҳдам босамиз,  
Йўлимиз кун сайин борар ёришиб.  
Даҳшатли туш каби ўтмиш ғамлари,  
Тонг нурида аён бўлажак ҳужум.  
Жангчилар ҳис қилиб зафар дамларин,  
Ер, кўкка сиғдирмас ёшликнинг кучин.  
Майли, қайнай берсин душманда ғазаб,  
Майли, алам билан қутурсин шум ёв,  
Дўстлар, дуч келса-да, минг ўлим, азоб,  
Адолат учундир биз тутган ялов!

1912

## ДУСТЛАРИМГА

Еришар кун.. На бўлар у чоқ?  
Мадҳиялар устасимасман.  
Эрк номидан куйлаб тумтароқ,  
Куйласалар маъқул демасман.  
Худо паноҳ берсин мадҳиябозга.  
Чиқишолмас юрак ва ақл.  
Ҳавас қўймай бўёқ-пардозга,  
Қалбларга йўл топаман дадил.

Мени ҳеч ким гуноҳкор демас,  
Изҳор этмас нафрат ва нолиш.  
Демайман ҳеч ёруғ кун келмас,  
Фақат дейман: у кунлар олис.

Кимки кутиб эркини интизор,  
Пуч хаёл-ла хушласа кўнглин,  
Ҳеч гап чиқмас! Осмондан зинҳор  
Уни ҳеч ким ташламас, бу—чин.  
Кимки уни тез келмади, деб  
Лаънатласа қисматни мудом,  
Ўз-ўзини омонсиз койиб  
Таҳқирлаган бўлур батамом.  
Ўзингиз эрк ижодкорисиз,  
Тақдирни ҳам яратувчи сиз.  
Сизнинг кучу гайрат-ла шаксиз  
Уша кунлар кўрсатади юз.  
Сизга боғлиқ: ё оғу ичмоқ,  
Еки бир тўп қўрқоқдан кечмоқ.

Кимки сизга уқтирса шуни:  
«Шошқалоқнинг ёримас туни,  
Эрки аста олармиз қўлга,  
Сўнгра, дўстлар, чиқамиз йўлга»,  
Ҳа, мен дейман: у кунлар узоқ.  
Бир чўғ бўлмай, сўзингиз шу чоқ—  
Бўлиб мисли ўткир аланга,  
Истиқболга бахш айласин нур,  
Байроғингиз тутинг баландда,  
Йўл кўрсатиб порласин мағрур.  
Кўзларингиз ғазабга тўлсин,  
Дарддан юзда қолмасин ғубор,  
Шунда бўлур зулмат чилпарчин  
Ва ёришар кун.

1913



## НАВҚИРОН ҚУЧГА

---

### МЕНИНГ ШЕЪРИМ

Куйлайман мен. «Куйлай» олдими бироқ?  
Жанглар овозимни қилди дағалроқ.  
Шеърим ҳам... Бўёқсиз, жимжимадорсиз.  
Ялтироқ эмас у, гардсиз-ғуборсиз.  
Шеърим соф қалбларни этар лол ва маст,  
Ҳайқираман такрор.  
Ғижжакнинг куйидек сеҳрли эмас,  
Гоҳ ҳазин, гоҳ қувноқ, гоҳи ғазабкор!  
Шум ўтмиш юки бор елкамда қисман,  
Аммо шеъриятнинг қули эмасман.  
Ерқин, пухта шеърим—қаҳрамонлигим.  
Азиз халқим, заҳматкаш халқим,  
Уни фаҳмлашга фақат сен ҳақли!  
Менга бахт—шеъримдан баҳрамандлигинг!  
Орзу-ўйларингни содиқ куйлагувчиман,  
Сенинг тақдирингни ўйлагувчиман!

1917

## Б О Н Г

«Совет ташвиқоти кун»дир бугун,  
Ғафлат босганларга ўтли чақириқ.  
Кўп вақтлардан буён ураман бонгим,  
Ташвиқотчилар ҳам кутмайди буйруқ.  
Чўчиманг, бадмаст ёв жазавасидан  
Сўнгига етмоқда беомон кураш.  
Дворяннинг нозик шамшири билан  
Жанговар болтамиз келмоқда тўқнаш.  
Ёв тиги кўксимиз этадими чок  
Ёки думаларми дворян боши?  
Мадад олай десак, қардошлар узоқ,  
Ёвнинг эса тамом битган бардоши.  
Харитага қараб ўзин овулар,  
Тамом беркдир ёвнинг орқа томони.  
Эй, жангчилар, илонни мажақлаб ўтар  
Ишчиларнинг мустаҳкам темир товони!

1917

## Қ А С А М

*Бү бизнинг энг охирги,  
Энг кескин зўр кураш!  
(«Интернационал»дан)*

Сигинардик попни авлиё билиб,  
Минг ёлвориб шоҳни қилардик дуо.  
Тўққизинчи январь бир сабоқ бўлиб,  
Эсдан чиқмас бўлиб қолди доимо.  
Сафдошлар қабрида йиғлаб, бош эгиб,  
Тоат-ибодатни лаънатлаб мангу,  
Қақшатқич зарбага узоқ куч йиғиб,  
Ҳозирланар эди ғалаба тонги!

Уша якшанба куни  
Кўчаларда қон ичдик.  
Кураш ниҳоясига—  
Етсин, деб қасам ичдик.

Титарди кўксимиз қўшбошли бургут,  
Ҳукмсиз қатл қилди бизларни қотил,  
Яна-яна қонли жанг сари юрдик,  
Арғувон байроқни кўтариб дадил.  
Оқибат ёвларга тушди шум жазо,  
Неча бор тўқнашгач жангларда кучлар.  
Буткул йўқолсин деб оламда азоб,  
Қақшатқич зарбага тутдик қиличлар.

Қонли якшанба куни  
Қасам ичдик кекса-ёш:  
«Бу бизнинг энг охирги,  
Энг кескин зўр кураш!»

1918

## СУНГГИ ДОВОН

Узим юриб кетурманми, ё  
Аравада борурман. Ерда—  
Нима бўлса, бариси аён,  
Ғалабани нишонлаш эрта!

Пастда юрар қузғун ярамас,  
Бошда заҳар қоришган осмон.  
Менга аён, ростлаймиз нафас  
Сўнги ёвни этганда яксон.

Каттада ҳам кичикда, дўстлар,  
Дахлсизлик белгилари бор.  
Сўнги довон олдида йўллар,  
Бўлур яна қаттиқ ва душвор.

Ииғмоқ керак куч келгувсига,  
Жанг-жадалдан қайтганда омон.  
Тўкинликнинг ҳур водийсига —  
Шўнғиб мангу сурмоқ-чун даврон.

1918

## КОММУНИСТЛАР МАРСЕЛЬЕЗАСИ

Жаҳон гулханининг алангаси—биз  
Қуллик кишанини янчолган тўқмоқ.  
Коммунизм—бизнинг алвон туғимиз,  
Қутлуғ шиоримиз бизнинг—курашмоқ.  
Мангуга сўнсин деб газанда қаҳри,  
Мангуга битсин деб биз чеккан заҳмат,  
Енгмоққа сўнгги жанг даҳшатин, заҳрин  
Меҳнаткаш эл сафин тузамиз қат-қат.

Балоҳўр тутқунин қулат, ур болға,  
Қуроол олсин кимки бўлса чин инсон!  
Бизни кутар ўлим ёки зафар-шон,  
Олға, олға, олға ва яна олға!

Минг-минг биродарлар берди ширин жон,  
Оламни титратди оналар оҳи.  
Майиб камбағаллар қиларкан фиғон,  
Шулар сўзлар: қайда ёвлар паноҳи?  
Яхши билсин, бугун кўздан яширин—  
Сармоя қуллари, ёвуз бандалар,  
Қасос они етди, фош этиб сирин,  
Қиламиз ҳар бирин биз шармандалар.

Балоҳўр тутқунин қулат, ур болға,  
Қуроол олсин кимки бўлса чин инсон!  
Бизни кутар ўлим ёки зафар-шон,  
Олға, олға, олға ва яна олға!

Эшитсин, халқ эркин тутқунда тутиб,  
Бизнинг меҳнатимиз нашъасин тотган,  
Эшитсин фақат бир даромад кутиб  
Заводдан ва диндан бойликка ботган.  
Эшитсин, харомхўр бизни юлганлар,  
Тинмай сўрди улар қонимиз.  
Руҳингиз шод бўлсин қурбон бўлганлар,  
Келди ёв-ла ҳисоб-китоб онимиз.

Балохўр тутқунин қулат, ур болға,  
Қурол олсин кимки бўлса чин инсон!  
Бизни кутар ўлим ёки зафар-шон,  
Олға, олға, олға ва яна олға!

Яна дашном қилур бизга махлуқлар,  
Етса ҳам энг сўнгги вақти соати.  
Бу жангда аёвсиз ёғилар ўқлар,  
Қуригай қонимиз сўрганлар зоти.  
Қайғу ўрламасин жангчи сасида,  
Душман шубҳаларга солмасин асло.  
Эски иморатлар вайронасида,  
Янги ёруғ бино этамиз барпо!

Балохўр тутқунин қулат, ур болға,  
Қурол тутсин кимки бўлса чин инсон!  
Бизни кутар ўлим ёки зафар-шон,  
Олға, олға, олға ва яна олға!

Бу қадоқ қўлларда ҳеч қўрқув йўқдир,  
Бўлса ҳам ҳар қандай иш жуда мушкул.  
Гарчи меҳнатимиз терга тўлиқдир.  
Бундан бой чўнтаги кўрмас олтин, пул.  
Нокаслик бор ёвнинг ҳар асносида,  
Тўйдира олмаслар нафсин ҳеч маҳал.  
Пролетарнинг меҳнат коммунасида  
Ҳамма тенг, бўлмагай бою камбағал!

Балохўр тутқунин қулат, ур болға,  
Қурол олсин кимки бўлса чин инсон!  
Бизни кутар ўлим ёки зафар-шон,  
Олға, олға, олға ва яна олға!

Бутун зулм дунёсин қўпормоқ учун  
Жаноблар, попларни буткул қувмоққа,  
Дунё ишчилари бошлангиз ҳужум,  
Ҳуқуқсиз қора халқ туринг оёққа!  
Қўзғалинг, тугасин йўқчилик қаҳри.  
Янги жамиятга шунқорлар, жўшинг!  
Енгмоққа сўнги жанг даҳшатин, заҳрин,  
Сафларни маҳкамланг, курашга тушинг!

Балохўр тутқунин қулат, ур болға,  
Қурол олсин кимки бўлса чин инсон!  
Бизни кутар ўлим ёки зафар-шон,  
Олға, олға, олға ва яна олға!

1918

## ИШЧИ АЕЛГА

Бағри тошман, гапларим дағал,  
Бироқ дардим бағрим эзган он,  
«Ишчи опа» десам ҳар маҳал,  
Сўзим майин бўлади чунон.

Келганида сон-саноқсиз ёв,  
Пайҳон этганида ҳар ёқни,  
Мардлик билан бериб қалбинг дов,  
Маҳкам тутдинг қўлда байроқни.

Ғаму ҳасрат солганда соя,  
Ерга маъюс эгилганда бош,  
Ишонч сўзинг бўлди ҳимоя:  
Гўё қалбни ёритди қуёш!

Аччиқ кулфат келса беомон,  
Қасос жанги ўтолган чоқда,  
Синглим, мадор бўлиб доимо,  
Ишонч бўлиб тургиз оёқда!

1918



## М А Е Қ

Менинг ақлим деҳқонча, содда,  
Қашфиёт яратмас у фавқуллодда,  
Қанча мактаб кўрди, титди кўп китоб,  
Лекин назокатни билмайди ҳамон:  
Сувда ўқдай учмас миноноссимон,  
Борар музёрардай, қилмасдан шитоб.  
Ўтмади ҳафталар, йиллар озмунча,  
Озодлик маёғин топа олгунча.

Юз тутиб юрагим тортган соҳилга,  
Ўзимни пок айладим бугун.  
Кўп азиз бўлса-да, ўтмишнинг юкин —  
Жулдур жанда каби ташладим йўлга.  
Энди битта бўлур тоабод йўлим:  
Ё ғалаба, ёки ҳур ўлим.

Ҳуррият маёғи порлайди бизга,  
Юлдузим фақат у. Қатъий муддаом.  
Ҳамдард дўстлар, келдим ҳузурингизга!  
Ассалом!

1918

## УНУТМАНГИЗ ҚАСАМНИ

*Лена қирғини қурбонлари хотирасига*

Бу шумхабар титратди худди бўлиб зилзила,  
Юракларни юракка туташ қилди дард-алам.  
Интиқом дақиқасин кутдик кўзда ёш ила  
Ва ичдик қасам.

Ғаддор ғанимлар энди экканини ўрмоқда,  
Интиқом бўлиб унди тўкилган ҳар томчи қон.  
Ғазаб ва нафратимиз муқаддасдир, ўртоқлар!  
Кураш борар. Қасамни унутмангиз ҳеч қачон.

1918

## ОЛОВ СИРТМОҚДА

Яксон эмас барча тўсиқлар ҳали,  
Ҳамон газандалар ёпирилмоқда.  
Якун ясаш учун фурсат бор ҳали,  
Уртоқлар, турибмиз олов сиртмоқда.  
Таҳдид қилаётир йиртқич галалар,  
Топтар юртимизни душман беомон.  
Олдда икки йўл бор: бири—ғалаба,  
Бири шараф билан бўлмоқлик қурбон.  
Кўкларга ўрлайди бизнинг ол байроқ,  
Сафимиз жипслашди оғир соатда,  
Аёнки, бизларни бўғувчи сиртмоқ  
Қуршалар сиртдаги куч-ла, албатта.  
Бизларга равшандир, келар қутлуғ он,  
Қардошлар қамални поралаб етар,  
Ёвнинг тўрт ёнида зўр ҳалқасимон—  
Мададкор оловлар пориллаб кетар.  
Уртоқлар! Умидни бой берган одам  
Юксак орзуларга етолмас албат.  
Бугун даврамызда кезади байрам,  
Қора кийганларни қоплайди уят.  
Уртоқлар, шонли кун арафасида  
Янграсин бу шиор, жанговар сўзлар:  
«Шон-шарафлар жаҳон коммунасига!»  
«Яшасин бахт, меҳнат байрами, дўстлар!»

1918

## КУЗАТИШ

(Жанговар қўшиқ)

Мени кузатиб қолди  
Онажонгинам.  
Дўстлар келди бир дунё,  
Йўқ асло гинам.

«Қайга отландинг, йигит,  
Қайга, айта қол?  
Солдатликка бормасдан  
Ваня, бунда қол.

Армияда чой, штик  
Доим топилар,  
Большевиклар сенсиз ҳам  
Бир илож қилар!

Узингча отландингми,  
Ё қўмсармиди дил?  
Ваня, Ваня, бу йўлда  
Ҳалокат бор, бил.

Онаизор сени деб  
Сочи оқарди.  
Далада ва кулбангда  
Иш топиларди!

Бу ёғи не бўлади,  
Жимсан нимага?  
Қанча-қанча экин ер  
Тушди зиммага!



Аввалги зулмлар йўқ,  
Йўқолган мутлоқ.  
Яхшиси, Аринага  
Уйлангин бу чоқ.

Келин билан яшасанг  
Бўлардинг чаққон.»  
Бунда онаизорга  
Бош эгдим шу он.

Остонада ҳаммани  
Таъзимлар эдим.  
«Худо ҳақи, кўп ўгит  
Қилманглар,—дедим.—

Ҳамма ҳам бўлаверса  
Сизлардай анқов.  
Москва, Расея ҳам  
Соғ қолмасди-ёв!

Қайтарди яна ортга  
У машъум замон.  
Кетарди бу қўллардан  
Эрк ва ер шу он.

Ерни оларди яна  
Бой бўлиб эрка.  
Зулмат, зулматдан диллар  
Бўларди тилка.

Мен кетяпман, ўйинга—  
Базмларгамас.  
Онамни ташлаб кетини  
Эмас бир ҳавас.

Қизил Армия билан  
Походга борай.  
Қонли жангда золимлар  
Бағрини ёрай.

Сўзим қулоқ ва понга  
Шудир бор-йўғи:  
Меш қорнига тиқилар  
Милтигим тиғи!

Бош эгмаса ёвузлар,  
Эгмаёқ қўйсин!  
Биз жангда олган жаннат,  
Бизларга бўлсин!

Мастлар жаннати эмас,  
Қонсиз бу макон.  
Рус ери—совет ери—  
Бу ер—жонажон.»

1918





## «ИСО ТИРИЛДИ»

Поп отахон Ипатда

Сармоя экан катта.

Тоат-ибодат билан пул йиғибди поп қурғур,  
Билсангиз, таажжубнинг ҳеч бир ўрни йўқ эрур!  
Аммо-лекин одамлар унутишиб худони,  
Боёнлар сандиғини тинтишаркан бирма-бир,  
Дунёга сиғмай кетди попнинг доди фиғони:  
«Лаънатилар, бир куни очгайлар сандиғим»,—

дер.

Бойлигим ёмон кўздан омон асраб қолай, деб,  
Танлади оқшом чоғин мақсад учун қулай, деб,  
Пулин тун оған топда

Тез яширди меҳробга.

Сўнг ёзди пул қутига роса ҳафсала билан:

«Огоҳ бўлинг, Исо тани қўйилган»,

Лекин бир айёр роҳиб

Буни пайқаб олибди

Ва попнинг бор пулини у ўмариб қолибди.

Сўнг ёзувнинг тагига қўшиб ёзибди тез-тез:

«Йўқдир илоҳий жасад, Исо тирилди бу кез».

Роҳибнинг шумлиги рост,

Буни қилмайман инкор,

Ўғрини гар қароқчи урса кимдан шубҳа бор,

Ким бўлади гуноҳкор?

Аммо қўрқаман, Ипат, буни билгани замон

Ўзин бўғиб қўймасин аламдан куйиб пинҳон.

1918

## ЙУЛЧИ ЮЛДУЗ

(Жанговар қўшиқ)

Зимистоннинг умри қисқа,  
Келар тундан сўнг кундуз.  
Нур сепмоқда йўлимизга  
Тонгда кулган ол юлдуз.

Унинг нурин эмар бу он  
Омочимиз, болғамиз.  
Бир сафдамиз ишчи-деҳқон—  
Биродар ҳам оғамиз!

Бизни оғир тақдир йўли  
Жуфтлаштирган мангуга.  
Бугун бериб қўлга-қўлни,  
Қирамиз эрк жангига.

Авжга минар бепоён жанг,  
Чекинишга йўқ ҳақим.  
Зимистонга парво қилманг,  
Оппоқ, оппоқ тонг яқин.

Зимистоннинг умри қисқа,  
Келар тундан сўнг кундуз.  
Нур сепмоқда йўлимизга  
Бизнинг тонгги ол юлдуз.

1918

## «БУ МАНЗИЛГА ЕТИБ КЕЛГҮНЧА...»

Хўл, йиртиқ пайтава ўраб оёққа,  
Чол борар кийими жулдур, увада.  
Арчазордан ўтар, ўтар жар ёқдан,  
Ҳеч вақо қолмаган эски тўрвада.

Кекса товонлари чақилиб кетди,  
Озмунча кезмади шўрлик оч-наҳор.  
Мана, ахир баланд дўнгликка етди,  
Дўнглик тепасида қийшайган бут бор.

«Қайси бечоранинг ёлғиз қабрини,  
Чор тарафдан ўраб ётибди яйдоқ?  
Мендай дарбадарга совуқ бағрини,  
Қачон ва қаерда очаркин тупроқ?»

Ғубор ичра кўринади бир қишлоқ,  
Жардан ўтиб олға интилар бобо.  
Шимолда чайқалиб қип-қизил байроқ,  
Ертўла тоmidан таратар зиё.

Деворда плакат: тасвир этилмиш  
Унда: бадбашара шоҳ, қулоқ, поплар.  
«Ассалом, йўловчи!»  
«Меҳмон хуш келмиш!»  
Чолнинг атрофини одамлар қоплар.

«Бобо, уйимизда бир кечага тур!»  
«Хўлдан толибсан-ку, юр, марҳамат қил!»

«Қаер бу вилоят?»  
«Пугачёвқадир!»  
«Бу ер-чи?»  
«Қамбағал комитети» бул!

Йўловчини тонгда ясангиришиди,  
Янги уст-бош ростдан қилмишлар тортиқ.  
Қўш-қўш кўйлак-иштон, камзул беришиди.  
Хром этик, пўстин қилмишлар тортиқ.

«Олавер, тортинма сира, бобожон,  
Биздай қашшоқларга раҳм этди раҳмон.  
Балохўр, текинхўр бойлар мулкени,  
Мусодара қилдик кечаги куни...»

Ямоқсиз пўстинни кийди-да, бобо,  
Хўрсинди, кўзида томчи йилтиллер:  
«Шу манзилга етиб келгунча, расо—  
Етмиш йил юрибман, ўтди хўп йиллар!»

1918

## БИРОДАРИМГА

Пешонада ҳар янги ажин—  
Оғир ҳаёт қолдирган сўқмоқ.  
Курашлардан наҳот чарчадинг,  
Ташлайсанми қуролни, ўртоқ?

Озодликка пойдевор керак,  
Қурайлик биз уни мустақкам.  
Қим ишонмас «чарчадик» десак?—  
Ҳордик бизлар. Чарчадим мен ҳам.

Мен қаҳрамон эмасман, аммо  
Куч оламан сен—баҳодирдан.  
Азиз дўстим, ёнингга гоҳо  
Учиб боргим келади бирдан!

Учиб бориб боқсам кўзингга,  
Меҳр билан термилсам узоқ...  
Жанг нафаси урар юзингга,  
Тинчимаган момақалди роқ.

Жанглар бўлар. Кетсанг қай томон,  
Кўзим сенда бўлур доимо.  
Ё сен билан ғолиб қайтаман,  
Ё этаман бирга жонфидо.

1918

## БУРЖУАЗИЯ ЭЛЕГИЯСИ

Эгри-бугри тор кўча  
Зулматга чулғанади,  
Буржуй кезиб кўчада,  
Йўл юзин булғатади.  
Гоҳ олдинга тикилар,  
Гоҳо қарайди ортга.  
Қўлларини чўзади  
Деворга-плакатга.  
Шу алфозда ғазабдан  
Бўлур чиққудай жони.  
Гоҳ йиртар плакатни,  
Гоҳ йиртади эълонни.  
Шу билан қувонади  
Қувнайди бир лаҳзага:  
Барибир қалб зирқирар  
Дуч келгандек найзага.  
«Оҳ, душвордир аҳволим,  
Кўрган куним кўп ёмон.  
Бу ҳолатдан қутулмоқ—  
Учун асло йўқ имкон...»  
Буржуй кезиб кўчади,  
Кўчани булғатади.  
Эгри-бугри тор кўча  
Зулматга чулғанади.

1919



## ҚИЗИЛ ПИТЕР ҲИМОЯСИГА

*Қизил жангчиларга.*

Оғир йўлларимиз қонга бўялган,  
Иккиланмоқ учун ўрин йўқ шу тоб.  
Мақтанчоқ ёвларга жасорат билан  
Жангчилар, берайлик ягона жавоб:  
Биз исбот этамиз, қудратимиз бор,  
Разил ёвлар хурсанд бўлмоқда бекор.  
Душманларга бизнинг қизил Петроград,  
Қора мозор бўлиб қолғуси фақат!

**Қамал! Қамал!**

Питер жангчилари, топингиз камол!  
Москвадан салом қабул этингиз,  
Сизга айтмоқ шартмас тантанавор сўз,  
Питер жангчилари, батамом, тугал—  
Ғалабани мардона этажаксиз ҳал!

Сиздек ботирларга даркорми, даркор?—  
Демоғим: кучингиз ортсин деб уч бор!  
Мардлингизга бўлмоқ-чун гаров  
Бормикин дунёда бирорта ўлчов?

Ким ўйлар,  
Ким сўйлар,  
Ёқангиздан бўға олади деб ёв,  
Бўлади деб ғов?

Жами тўралар, бойлар,  
Ва уларга малайлар



Мадад кўрсатмоқда шум тўдаларга,  
Сизга, ваҳшийларча қилиб тажовуз.  
Питер жангчилари, сиз қўзғалдингиз,  
Қақшатқич зарб кўрар босқинчи ёвуз.

**Зарбага—зарба!**

**Тағин ва тағин Питер**

**Ҳал қилувчи сўз айтур:**

**У кўрсатур даставвал ғалабага йўл,  
Тўра қиличини янчар болғаси,  
Унга ярашади мардлик долғаси,  
Чарчаган жангчиси ҳордиқ олса мўл.**

**Оғир, мушкул онларда,**

**Ёвлар билан жангларда,**

**Питерга мададкор бўлиб қудрати,**

**Орқадош Москва турар ҳар қачон,**

**Оқу қора ёвнинг барини яксон**

**Этмоқликка етар журъати!**

**Қамал! Қамал!**

**Питер жангчилари, топингиз камол!**

**Москвадан салом қабул этингиз,**

**Сизга айтмоқ шартмас тантанавор сўз,**

**Питер жангчилари, оғишмай тугал—**

**Ғалабани мардона этажаксиз ҳал!**

**1919**

## СОДДА МЕНИНГ ҚҰШИҚЛАРИМ

Дўстлар, шуҳрат қозонай деб ёзмадим қўшиқ,  
Қўшиққа эрмак деб қараганим йўқ.  
Фақат роҳат бахш этмоқ-чун туғилмади шеър,  
Ширин оҳангларга йўғрилмади шеър.  
Лабга майин сибизгани босмадим асло,  
Булбуллардай сайраб қилмадим наво.  
Оддий, жимжимасиз, дағал менинг куйларим,  
Тишни тишга қўйиб ёздим, ўйладим.  
Шеърим сибизғамас, карнай бўлиб ҳайқирди.  
Сизни узил-кесил жангга чақирди,  
Ёвуз қароқчилар билан қонли жанг чоғи  
Камарбаста бўлдим етганча чоғим.  
Менинг қўшиқларим, ўта содда, тўпори,  
Аммо йўқсилларга хуш келди бари.  
Қаттиққўл танқиддан чўчиш менга бегона,  
Танлаган йўлимдан юрдим мардона.  
Сиздан ажралмадим, дўстлар, сиз йўлдошимсиз  
Сиз билан биргаман юмгунимча кўз.

1919

## КУРТАК

Муқаддас ҳақиқат бўлмоқда пайдо,  
Бу жонажон шонли Ватанда.  
Ҳеч битмас-туганмас беқиёс куч жо  
Ҳар инсонда, ҳар жону танда!  
Курашда яралган эй янги ишчи,  
Қалқинг дадил бу дам оёққа!  
Шоирлар, деҳқонлар, дурадгор, ғиштчи,  
Дарҳол келинг бу бизнинг ёққа!  
Фидокорлар, қалқинг бўлиб жам,  
Истиқболга юринг тобора!  
Янги куртак, куч ол, бўл бардам  
Ва мева бер бизларга сара!

1920

## ҲАМ ОЛҒАЮ ҲАМ ЮКСАҚКА!

Далада ер ҳайдаб қўшчидай камтар,  
Ҳийласиз қўшни мен тортаман бардам.  
Доймо мужмал шеър нафрат қўзгатар,  
Тушуниб бўлмайди, сира этмас ром.  
Аниқ бир формага қилиб риюя,  
Халқ шеваси билан сўзлаш яхшидир.  
Мен юрган йўлга ҳеч тушмагай соя,  
Ҳаммага лойиқ сўз кўнглим нақшидир.

Менинг тилим содда, содда маъноси,  
Жимжимадор сўздан олмас андоза.  
Чашма сўзларию шудринг жилоси  
Сингари сўзларим тиниқ ва тоза.  
Шунинг учун жўшқин, кучли қаҳқаҳам,  
Бойқуш одамларга солади ларза.  
Менга жавоб бўлиб қайтар акс-садо,  
Бу миллион элларнинг янгроқ овози!  
«Қани бўл!»—«Қани бўл!»—тинмайди омма,  
«Битдими?»—«Ҳа, тайёр!»—«Соғ бўл, омон бўл»,  
Адабий даллоллар кулгили жуда,  
Юзлари бужмаяр, кулгили буткул!

Олтин-ла безанай демас ҳақиқат,  
Менинг софдил шеърим, ўқ сингари уч!  
Адабий қуруму моғорлар қат-қат,  
Сен ўша ботқоқдан олға, баланд уч!

1924

## «ЎРТОҚ СОҚОЛДОР»

Қишлоқда далалар қўйнида ўсиб,  
Не-не шаҳарлардан кўчди шаҳарга.  
Дабдаба ишқимас, уни йўқчилик

солди сафарга.

Номига ваҳмадор унвонлар қўшиб—  
Юрмади, лақаби «ўртоқ соқолдор».  
Қирқ икки ёшда у, ёш деманг зинҳор,  
Чиниқди бошига не кунлар тушиб.  
Қора иш ва кураш кўрди неча бор

«Ўртоқ соқолдор».

Ун йиллаб бўлди у батрак, чоракор,  
Не-не помешчиклар заҳматин кўрди.  
Ун йиллаб кезганди юпун, оч, наҳор,  
Поезд шовқинида бўлиб кўп абгор.  
Темир йўл, шпаллар тузатиб юрди.  
Алифбо ўрганди, тутди варақа.  
Исёнга қатнашди, тушди қамоққа.  
Февралги инқилоб—шоҳликка қарши.  
Октябрь. Уқ еди такрор ва такрор.  
Яраси—саноқсиз, жанг унинг марши,  
Октябрь шаъни деб курашди девкор.  
Қиборлар хуружин, чет эл юришин  
Янчмоққа отилди эркимиз учун.  
Қонли жанг зафар-ла бўлганда тамом  
Киришдик юрт обод бўлсин деб жадал.  
Мард «Ўртоқ соқолдор» қайда бу айём,  
Ҳорғинми, майибми, қайда шу маҳал?  
Янги жанг, курашга берилган тугал.

Толишми? Бескор гап! Келди соз замон!  
 У олий мактабда ўқийди бу он,  
 Илмга ташланган. Олган не-не гов,  
 Бу бўлса унинг-чун ҳеч гапмас. Да-ёшь!  
 У — метин коммунист, ҳам қилмайди бош,  
 Тухматлар ёғдирар гангиган биров—  
 Ҳовлиқар, қолди деб бизни зулматда.  
 Биз янги инсонмиз. Чиқдик кулфатдан,  
 Бу не хил тушкунлик? Бу не оғишлик!  
 Вақтинча қийналдик. Нечун бу хуриш?  
 Кўрсиналар, янгилик қилмоқда юриш,  
 Миллионлар азмига қўйиб бўлмас чек!  
 Эл—пухта. Чиқади чин толиби илм,  
 Дворянзодалар қолади йўлда,  
 Студент паёғи ҳаммага маълум,  
 Гашт қуриб бўлмайди, сиғмас кўнгилга!  
 Қай ишга — қанча вақт, тақсимлар ҳушёр,  
 «Уртоқ соқолдор».  
 Ҳар дами ғанимат билиб сарф этар,  
 Букунни пухталар, келгусин ўйлар.  
 «Илм олсам, ўқитсам» деб доим сўйлар.  
 Қувватим йигирма йилларга етар,  
 Хаёлга чўмаман: ишлар ғаройиб!  
 Билганим ўргатай, сир тутмоқ нечун!  
 Бир замон хўрликда энгни шимариб,  
 Киборлар ифлосин ювдим узун кун.  
 Энди-чи, ўзга ҳол! Ер-осмонча фарқ,  
 Эндиги йигирма йил бўлмайин, мутлақ—  
 Умримдан қолса-да, бир ой гар бир кун—  
 Рухимни чўқтирмай, жўшардим ҳар чоқ!  
 Энг сўнги дами ҳам бергум меҳнат-чун!..  
 Шундай деб, уялиб, ўпкаси тўлиб,  
 Сўзланар оҳиста кўздан ёш тўкиб.  
 «Бир дарслик тузгандим... орзуга айб йўқ..  
 Юбордим Москвага қилмоққа тасдиқ.  
 Не деркин олимлар... юрибман кутиб...»

\* \* \*

Шоирлар, атрофга беринг эътибор,  
Осмондан келмоқнинг не ҳожати бор!  
Гангийсиз, ваҳмадор мавзуларни деб,  
Мана бу чин ҳаёт,—кўринглар келиб,  
Турфа хил бу машқдан чиқарми асло,  
                                бирор бир маъно!

Азизлар, бўлмасдан кўп баландпарвоз,  
Ҳаётни кўринглар, фақат шунда бор.  
Чинакам қаҳрамон, мард, содда ва соз,  
Совет баҳодири, «Ўртоқ соқолдор».

1926

## ЙЎҚОТИБ КЎРСИН-ЧИ...

Қоним ҳам у қонмас, ёшим у ёшмас,  
Вайсақилар билан бўлмадим қитдек.  
Давра қуриб қўшиқ айтган ёшларга  
Қарашни севаман бир чеккадан тек.

Катта авлодга мен куйчи бўлсам ҳам,  
Қувонган дамларда қоламан тилсиз.  
Комсомол ёшларнинг жасур сафига  
Боқаман, кўнглимда меҳрим бор тенгсиз.

Бизларни йўқотмоқ бўлади душман.  
Қаранг, комсомоллар қардошлигига,  
Қандай қудратли куч!  
Менда қўрқув йўқ!  
Бу кучни йўқотиб кўрурлар қайда?  
Қани, йўқотиб кўрсин!

1928



## З У Л М А Т

*Вольтернинг машҳур «Кандид» романи  
нашр этилганидан роса 150 йил кейин,  
яъни кечагина Бостон суди бу китобни  
«одобсиз» ҳисоблаб,  
унинг сотилишини ман этиш тўғрисида  
буйруқ чиқарди. Бостоннинг китоб мага-  
зинларидаги 13 китоб мусодара қилинди*

Дарвинни лаънатлаб яқинда роса,  
Қилишар Вольтерни қувгин бу онда!  
Ер айланмас дея гумон овоза—  
Тарқатиш қолибди энди жаҳонда.

Эскича тузумга хос тентакларни,  
Вольтерлар кулгиси янчандир қачон.  
Зап қизиқ воқеа, ҳайронсан қараб!  
Не асрлар зулмат ғорига бу дам,  
Доллар мамлакати қўймоқда қадам?

1929

## ФАШИСТЧА БАҲС

*Италиялик академик Бельтрамеллининг  
уқтиришича: «Дон-Кихот»нинг автори  
Сервантес итальян ва Италиянинг Форлим-  
пополи шаҳрида туғилган. Бу шаҳарда  
ҳалигданок «Адашган ўғилнинг қайтиши»  
ни тантанали байрам қилишга киришган-  
лар*

«У—итальян!»

«Йўқ, испан эрур!»

«Йўқ, итальян!»

Ҳуштак ва шовқин.

Бу баҳсда хорижман, дегайман мағрур,  
Мен большевик: фашистмас лекин.

Бир сўз айтай, тингланг бу бора:  
Агар тирилсайди Сервантес,  
Муссолини ҳамда Ривера  
Дарҳол йиғиб оларди ҳуш-эс.

Уларни дер олам ушбу заҳотда:  
Ажиб тип, бир типки ўхшаш йўқ бундоқ!  
Уқишсайди гар «Дон-Кихот»да  
Қўшимча иккита бобни ҳам мундоқ!

1929

## ДАДИЛРОҚ

Иўқдир кибру ҳаво касали,  
Елғон сўзни айтмайман зинҳор.  
Деҳқон аҳли олдида ҳали  
Бурчлидирман, эрурман қарздор.

Уруш чоғи янграб овозим,  
Жўр бўлмади майин оҳангга.  
Мардонавор куйлади созим,  
Чорлаб буюк халқимни жангга.

Қолмасин деб ўтмишдан ғубор  
Жаранглади жанг, кураш марши.  
Поп, қулоқни қув делдим девкор,  
Дедим: юргил душманга қарши.

Бейлар яна ўтмишни қўмсаб,  
Бош кўтарди—бизлар дедик: «Иўқ!»  
Армиямиз—мардонавор саф,  
Ғазабини отди қилиб ўқ.

Сўнг бошланди меҳнат йиллари  
Энди халқда ўзга бир ташвиш,  
Ҳар ёнда иш — зарурдир бари,  
Завод, далаларда қайнар иш.

Зирқирарди совуқдан бадан  
Лекин меҳнат жангдек улуғвор.  
Қудратлимиз, кўриб қўй. душман.

Колхозлашган қишлоғи билан  
Индустриал—зўр юртимиз бор!  
Аввал ғариб бўлган ҳар қишлоқ  
Энди яшнар тўқ ва маданий.  
Қулф урмоқда муқаддас тупроқ  
Етиб пўлат отлар қадами.

Колхоз ери поёнсиз, ана,  
Беш минг гектар, етти минг гектар.  
Бу — коллектив омбори, мана,  
Бу—коллектив яшнатган ерлар.

Бунда спорт майдончаси бор,  
Бу комсомол бурчаги учун.  
Кечаги бут осилган девор  
Плакат-ла қопланмиш букун.

Дину сарқит кишанин ташлаб,  
Илм йўлини тутди халқ маҳкам.  
Шифохона, Совет ва мактаб  
Ўз зафарин қилмоқда байрам.

Маърифатнинг fronti улуғ,  
Ғалабалар, шонларга тўлуғ.  
Бу фронтни бирорта шоир  
Ҳали ёрқин куйлагани йўқ.

Бунинг-чун айб бордир менда ҳам,  
Ким бўлибди мангу шиддаткор.  
Ҳар ишда ҳам чарчайди одам,  
Ёшлар эса, ғайратли, ўктам,  
Улар бунни куйлаши даркор.  
Ёш шоирлар! Умидимиз—сиз,  
Ғолибларга куйчисиз ҳар чоқ!  
Бордир, имкон, чўнг қудратингиз.

Ҳаёт жўшқин, иш кўрсатингиз,  
Зарбдорсиз, куйланг дадилроқ!

Ҳеч бир юртда ва ҳеч бир элда  
Бўлмас сиздан ўтар моҳирлар,  
Буюк меҳнат қайнаган ерда  
Туғилади буюк шоирлар!

**1931**

## НАВҚИРОН КУЧГА

Бу кўҳна гап... Бўлганлиги чин...  
Эслаш оғир... Утмиш достони...  
Умр ўтди қишлоқда секин—  
Зулмат ичра қайғу ҳар они.

Хурофоту жаҳолат азал  
Тўсган эди ёруғлик йўлин.  
Тўй, маърака, муштлашиш, жанжал,  
Рўй берарди, қайдадир ўлим.

Ингитчайдим — сабза мўйловим,  
Ёлғиз ўсдим бўлиб бедаво.  
Ибодатда ўйлар эдим жим:  
«Ҳар балодан сақлар, деб дуо».

Попга ихлос қўйгандим жуда,  
Ҳукмдорлар оғдирди эсим.  
Йўл олмадим ахир беҳуда  
Қишлоғимдан кетиб бир ўзим.

Ром қилмади диннинг жодуси,  
Ибодатдан бўлмадим дониш.  
Подачидан—халқ ёзувчиси—  
Бўлиб ўсдим, бўлди шу хоҳиш.

Бевош бошим суқдим неча бор  
Кўп нотаниш эшикларга ҳам.  
Э-ҳе, ёшлар, сизга чинакам  
Юксалиш-чун ҳамма асос бор!

Этса ҳамки онадай ўғит  
Соқол силкиб нуруний чоллар,  
Ниятингиз бўлмайди унут—  
Сизникидир нурафшон йўллар.

Попнинг оғу охират сўзи  
Туширолмас тузоққа бу дам.  
Чин, ҳақиқий илм овози  
Етиб келди қишлоқларга ҳам.

Тракторнинг олдида омон  
Бўлганидай кўримсиз қурол.  
Эски турмуш бамисли «бемор»—  
Сўниб борар, бўлиб бемажол.

Қани энди у «нодон қишлоқ»,  
Бутун ўлка донадир, доно.  
Пролетар маданияти  
Қаршингизда бўлмиш муҳайё!

Уйимиз ҳам, меҳнатимиз ҳам—  
Маданият бирла иттифоқ!  
Биз кучлимиз!  
Шаҳар ва қишлоқ  
Алоқаси бўлди мустаҳкам.

Қишлоқ мағрур, уни, дони-ла,  
Завод иши—шаҳарнинг фаҳри.  
Олис қишлоқ комсомоли-ла,  
Жуда иноқ ишчилар шаҳри.

Бу кучларнинг эртаси порлоқ,  
Одимлари зафарли мудом.  
Кўп куйладим мен уни янгроқ,  
Большевикча йўллайман салом!

1931

## К И Р П И

Қайда кирпи бўлса кун йўқ илонга,  
Бир кун ғазаб қилиб кирпитиканга  
Илон ўйлар: «Ахир гал келар менга,  
Кўрсатиб қўяман, эй кирпи, сенга!»  
Лекин ўзи бунга тополмай имкон,  
Кўзаннинг ёнига йўл олди илон.

Деди у: «Азизим, қишнинг ғамин еб  
Қирпи олиб қўйдим, сенга ярми деб.  
Шуни букун есанг, бир маза қилсанг,  
Сен ҳам кирпитикан таъмини билсанг.

О, қандай лаззатли  
Татисанг бир бор—  
Бошқа ҳайвон гўштин емайсан зинҳор».

Сассиқ кўзан жуда шод бўлиб кетди,  
Бирпасда кирпининг ёнига етди.  
«Қайси томонидан емоққа бошлай?»  
«Қулай томонидан ола бер, ошнам!  
Биқинидан тишлаб ерга

қорсанг ҳам.

Бошини узсанг ҳам, қорнин

ёрсанг ҳам —

Бари бир: азизим, ўйлаб ўтирма,  
Ғанимат фурсатни қўлингдан берма.  
Кўзан ҳам эшитиб илоннинг сўзин,  
Кирпининг устига отди-ку ўзин.



Лекин кирпитикан гужанак бўлиб,  
Тифларин ростлади ғазабга тўлиб.  
Қатор найзаларга санчилди кўзан.  
Оғриққа чидолмай ўт чақнаб кўздан—  
Орқага чекинди. Бир четда илон—  
«Ушла, бос, қўйма», деб

қичқирар ҳамон.

Кўзанинг ҳар ёғи беланиб қонга  
Алам билан шундай деди илонга:  
«Қўй, ошнам, кўрсатма, таомингни ол,  
Мен билан бўлашмай,

ўзинг ея қол.

Зўрлама мени кўп, эй азиз дўстим,  
Унча хуш кўрмадим кирпининг гўштин».

1933

## А С А Л А Р И

Хушманзара сўлим бир боғда  
Болари шод куйлар бутоқда.  
Асал йиғар, пастда-чи, бу он  
Кулча бўлиб ётади илон.  
Ичи тўла кин, ғазаб, оғу.  
Аламидан сўз очади у:  
«Эй, болари, тушунтир менга,  
Сен бахтлисан, мен бахтсиз—нега?  
Сени доим суяр одамлар,  
Мени эса қувар одамлар,  
Ҳеч ким кўрмас иккимизни тенг,  
Ахир менга ўхшайсан-ку, сен.  
Менда бор ниш сенда йўқми ё,  
Меним бахтим не учун қаро?»  
«Хўп, айтаман,— деди болари,—  
Тўғри, илон, сўзларинг бари.  
Сенда бор ниш менда ҳам бордир,  
Лекин фарқини унутма, ахир,  
Сен ниш билан қилурсан ҳужум,  
Мендаги ниш ҳимоя учун».

1933



## ЎЗ ХАЛҚИМГА ЗҮРДИР ИШОНЧИМ

Жанг боради—ҳаёт ё ўлим  
Майли, бўлсин фашистда қувонч.  
Ўз халқимга зўрдир ишончим.  
Бу минг йиллик муқаддас ишонч.  
Мушкулларни енгиб ўрганган  
Халқим кирди букун зўр жангга.  
У табаррук санаган Ватан,  
Оёқ ости бўлмас душманга.

Тарих билур—энг мушкул фурсат  
Эл кўрсатди зўр матонатин  
Ва кўрсатди кучу қудратин,  
Ёвларга кўп солганмиз даҳшат,  
Қайта фашист бошига албат  
Келтирамиз ўша қисматни!

Кураш ғоят оғир. Лекин—биз  
Бу курашда ёлғиз эмасмиз.  
Ёв ортида бизнинг дўстлар бор,  
Биз енгамиз душманни шаксиз.  
У чўқади қаршимизда тиз,  
Жазосини топади мурдор.

Қонхўр фашист енгилган чоғи  
Биз тарихга ёзамиз мангу:  
«Битсин абад уруш ўчоғи,  
Тинч ҳаётга солмасин оғу».

1941

## ЛЕНИНГРАДГА

Хушёр посбонларинг бердилар дарак:  
Душман остонангга келмоқда лак-лак.  
Эй, пролетар алплари, эмассиз ёлғиз,  
Сен билан биргамиз—ялакат мағиз.  
Итқитиб ташлаймиз бирга фашистни,  
Кучимиз жанговар, қасоскор муштли.  
Сен билан Москва, ҳам барча шаҳар,  
Барча совет халқи сени қўллашар.  
Қудратинг кундан-кун мустаҳкам бўлсин,  
Фашист қузғунлари бир кўриб қўйсин.  
Чекинган чоғи ҳам бутун мамлакат,  
Бутун ёшу қари бўлиб бир офат.  
Озодлик бешиги Ленинград учун  
Аёвсиз жанг қилар, кўрсатиб кучин.  
Қисматдек қўрқинчсан ёвларга асли:  
Ё ҳалок бўлишар ё бўлар таслим.  
Метин эстонагда ваҳший фашист ҳам  
Пора-пора бўлиб топажак барҳам!  
Сен билан шаҳд ташлаб қасос қадамин,  
Ёриб ўтажакмиз фашист қамалин.  
Душман, Ленинград остонасида  
Енгамиз, деб ўйлаб енгил осуда,  
Белини синдириб қочар оқибат,  
Ғанимга шу бўлар олий мукофот.

1941

## Ғ А З А Б

Шарқу ғарбда, шимол, жанубда,  
Қўл меҳнатда, қалбларда ғазаб.  
Эл ғайрати жўшади обдан,  
Бу кун ўзин сафарбар айлаб.

Меҳнат юртнинг эзгу матлаби,  
Меҳнат, дейди ҳар одам қалби,  
Меҳнат қилар халқлар басма-бас.  
Букун юртда меҳнаткаш сафи  
Жанг ғазоби билан қилар баҳс.

Барча бирдек тер тўкар элда,  
Билинг, инсон қудратин жамлаб—  
Юртини деб дил ёнар эрса,  
Дунёда йўқ бундан зўр ғазаб.

1942

## ОДОБЛИ БҮРИ

*Шаҳарларни осмондан бомбардимон қилиш, одоб қондасига хилофдир.  
(Немис авиация генерали Кваде баёноти)*

Утмиш эртаги эмас—мен сўйлаган бу қисса.

Бир қишлоққа алқисса,  
Оч бўри келиб кўзлар сонсиз қўю қўзини,  
Яхши қўшни қилиб у кўрсатади ўзини.  
Ут ермиш шум бўри, овлагани қўзичоқ.  
Қишлоқ халқи шошма деб, ўра кавлади шу чоқ—  
Ура эмас, қазинди бу ёвузнинг гўрини.  
Ҳойҳойлашиб ҳар ёқдан қувлашдилар бўрини.  
Бўри дейди:  
«Буларнинг режаси кўп ёмондир,  
Кўйишгани йўлимга ўра ёки қопқондир.  
Ҳали мени тириклай тутушмоқчи бу шумлар.  
Йўқса нечун ҳужумлар?!  
Ҳали мени уришар, оғзи бурним қилиб қон».   
Жар солар бўри ҳарён.  
Уввосига бўрининг ўрмон берар акс-садо:  
«Бу қандайин бедодлик, бу қандай шум муддао?!  
Одамийлик белгиси одоб билан инсофдир,  
Ахир сизнинг ишингиз қондага хилофдир».

1943




*Демьян Бедный 1945 йил 25 майда  
вафот этди. Шоир архивида унинг ўзи  
ёзган қисқача «автоэпитафия» сақланмоқда*

Мен-чун кўз ёши тўкиб талпинманг  
тобутимга,  
Бурчим бажариб ҳалол, дадил боқдим  
ўлимга.  
Қадрдон халқим учун курашларга  
отилдим,  
Яхши кўн—ёмон кунда бирдай хизматин  
қилдим,  
Шарафу шонига ҳам ўзни шерик, деб  
биддим.

1945





## ДОСТОНЛАР ВА АФСОНАЛАР

### КАТТА КҮЧА

Та-ра-та-та-там!

Та-ра-та-та-там!

Ўтишар, ўтишар, ўтишар бардам,  
Сафлар темир каби мустаҳкам!  
Залворли қадамлар ўтиб бормоқда,  
Бормоқда,  
Бормоқда,  
Сўнгги истеҳкомни ишгол этмоққа!

Энг катта кўчада ваҳима, тўфон,  
Телбадай титрайди рангида йўқ қон,  
Югурар чаққандай ўлимкор илон  
Кибор давралардан қолган корчалон.  
Мато худосию энг танқис чевар,  
Пулдор мўйначию ёрлиқдор заргар,  
Семиз сармоядор, мугомбыр судхўр,  
Хавотир ичида чопишар зир-зир.  
Фарёду тўполон олисга кетар,  
Ойнаванд бинолар ёнида улар,  
Саррофхоналарда—ҳар хил, ранго-ранг,  
Яҳудию ўрис, олмону фаранг,  
Синаб кўришмоқда қулф, найранг, сиртмоқ..  
— Қани, тушир темир дарпардаларни!  
— Тез бўлгин!  
— Тез бўлгин!  
— Тез бўлгин!  
— Тезроқ!

— Адабларин бериб кўяйлик шундоқ,  
Ёдларидан мангу чиқсин галаён!  
Гумбарлаб йиқилиб тушар ногаҳон  
Ойнаванд эшикнинг зил қанотлари!

— Тез бўлинг!

— Тез бўлинг!

— Тез бўлинг, қани!

— Нега турибсизлар гўё нотавон,  
Ёки бу ерда ҳам хиёнат борми?

Балки хиёнатнинг сиздадир изи?..

— Эгитяпсизми?

— Эшитяпсизми?

— Эритяпсизми?

— Ана, улар... Ана, улар! Қаранг, бу ёқда...

— Келишмоқда!

— Келишмоқда!

Сумбатида чексиз, навқирон қудрат,  
Якто мақсад билан, якто қалб билан,  
Бошлари устида ғолиб ҳилпираб  
Турган қон рангли туғ, якто дард билан,  
Эгри-бугри, пастқам, жин кўчалардан,  
Захлаган, эзилган, жим кўчалардан,  
Қоп-қора, меҳнаткаш, дағалу пойдор,  
Қадоқ кўллари ни силкиб газабкор.

Минг йиллик эркисизлик, танглик қўйнидан,  
Тавқу лаънати ни узиб бўйнидан,  
Ғамнинг занжирини майдалаб, тайин  
Фабриканинг ишчи вайронасидан,  
Чиқди Кўчасига Янги Хўжайин!  
У чиқди, ўзгарди атроф-теварак,  
Ҳушидан кетгандай бўлдию андак,  
Тош қотди Энг Катта Кўча бир қалқиб...  
Пўлат қатъияту прода балқиб,  
Даҳшат-ла жаранглар ишчи сўзлари:  
— Меники бари!  
Олтинлар, матолар, бу саройлар ҳам,

Банклар ҳам, дўконлар, савдо жойлар ҳам  
Кўча ҳам, ариқ ҳам, ҳатто сувлари...

Меники бари!

Кутубхоналару суратзорлар ҳам,  
Чорбоғлар, гулзорлар, дарахтзорлар ҳам,  
Ҳайкалларнинг бронза ҳамда мрамари—  
Меники бари!

Катта Кўча берди жанг билан жавоб.

Баҳодир тўхтар. Ёв йўлга ғов солди,

Қузғунлар айланиб мисоли гирдоб,

Ишчи кўкрагига ташланиб қолди.

Сўкиниб, «оҳ» уриб, фарёд солароқ,

Бедовлар пишқириб, қарсиллаб туёқ,

Ёввойи ҳайқириқ бағрини тутиб,

Кўзғолди, қўрқувни Кўча унутиб.

Полицай, жандарм пистирмасидан,

Аранг кўзин очди маст-аласт гала:

— Йўрғалатиб... Олға!

— Ур қамчи билан!

— Қўндоқ билан тушир!

— Ортига қувла!

— Байроқ кўтаргани қиличдан ўтказ,

Кўрайлик бундан сўнг тўпланганини!

Уринлари дастгоҳ! Билмадими, бас—

Қилич сермайвергин изламай маъни!

— Бундай расволикни кўрмаган дунё!..

— Авом!

— Татарчилик!

— Худди Осиё!

— Беорлар!

— Аблаҳлар!

— Ҳайвонлар!

— Ифлос!..

— Кўчага чиқибди жун босган юзлар...

— Казаклар ишлади донликларга хос.

- Отлиқ жандармлар юборди тузлаб!
- Шиорларин қаранг!  
— Туриши заҳар.
- Кўрасан дегандай чекинди авом.
- Ишчилар ярадор.... Ростми шу хабар?
- Азизим, жанг-жадал бўлмас беқурбон.
- Бу кун бўлдимикан уларга сабоқ?
- Бўлмаса, ўзлари ғам тортар яна.

Ойнаванд бинолар яна ярқироқ,  
 Кўча қучоғида ёвуз тантана.  
 Чироқлар нур тўкар беозор шомлар,  
 Қон доғи ювилди — олам гулистон.  
 Озода жамоа—турфа унвонлар,  
 Еб-ичиб кўчада кезар беармон.  
 Оғизлар қимирлар беор, беуят,  
 Ҳйлашар: еб-ичмоқ бу абадият.  
 Ҳйлашар: занжирли қисматга кўнди,  
 Авомнинг орзуси—туманли рўё.  
 Чилпарчин тўлқинлар мангуга сўнди,  
 Соҳилга ҳеч қачон қайтмагай гўё.

Яна...

Яна.

Тўлқинлар урилар қасоскор.  
 Ғижирлайди чириган тана,  
 Қулаб тушар залворли девор.  
 — Мана!  
 — Мана!  
 — Бир-икки,  
 Яна!  
 — Бир-икки,  
 Бараварига!  
 — Бир-икки,  
 Кетди!..  
 Ҳн еттинчи йил етди.

— Ким у?  
«Тўхтагин» деб ҳиқиллаган ким?  
— Ким у чандаст чавандозларга  
Уқталмоқда ўқсиз милтигин?  
Ким у боқмоқда товланиб юмшоқ?  
Бу суллоҳлар жонга ҳам тегди!..  
— Бир-икки!  
Кучлироқ!  
— Яна!  
— Бир-икки!  
— Бизга керак эмас хушомадгўйлар!  
— Ишчи ҳокимиятга етди!  
— Бир-икки!  
Баробар!..  
— Бир-икки!  
Кетди!  
— Ким бизни бу жойдан қўзғота олар,  
Бундай кучни кўринг-чи, топиб?!

: : : : : : . . . . .

Афғон тортар Энг Катта Кўча  
Йўқсилнинг оёғи тагида ётиб.

## Х О Т И М А

Сиртмоғу чигаллик тарихда қолди,  
Янграр нечанчидир қўнғироқ шоён.  
Азобу курашда ўтилган йиллар —  
Ғолиблик чамбари ўшалар аён.

«Ғолибсиз! Йиқилдик биз юзтубан» деб  
Ишонманг, аллалаб гапирса маккор.  
«Сарсонликда энди умр туман» деб  
Кўрқоқлар ўзини кўрсатса ҳам хор.

Майли, Кўчамизни десинлар пастқам,  
Душман кўчасига этганда таққос.

Уларнинг кўчаси кутади карам  
Чирик тирговчулар—ёлгондан, холос.

Энг Катта Кўчани қиларкан ишғол,  
Чекиндик ортга ҳам, ахир, неча бор.  
Аммо чекинганда топмадик завол,  
Хужумга ташландик такрору такрор.

Бутун жаҳон Қизил фронт чизиғи,  
Майли баъзан узуқ, нотекис баъзан.  
Юрмагаймиз ғамгин сўзларни тизиб,  
Кундан-кун у тортиб борар мустаҳкам.

Соат милларини кузатинг сергак,  
Бўлинг азоб туққан толега посбон.  
Олису олислар титраб кетарак,  
Тирик товушлардан янграгай ҳарён.

Биродарлар, қаранг, ана, чироқлар!  
Гувиллаган говур садосин тингланг.  
Тобланган меросхўр авлодлар келар.  
**Та-ра-та-та-там!**  
**Та-ра-та-та-там!**

Ўтишар, ўтишар, ўтишар бардам,  
Сафлар темир каби мустаҳкам!  
Залворли қадамлар ўтиб бормоқда,  
Бормоқда,  
Бормоқда,  
Сўнгги истеҳкомни ишғол этмоққа!

1922

## ЗИЙНАТНИНГ ҚАСАМИ

*Поэма*

1

Кирди... «Ассалом», деб эгилди унга,  
Мирза бир керишиб ўралди тўнга.  
Мирзанинг хотини—кўрсанг кўргудек.

Баҳорги гулдек.

Мирзага учинчи хотинди Зийнат,  
Қомати сарвдек келишган, баланд.  
Тенги йўқ ўзбекнинг қизи ичида,

Чиройли жуда.

Иккала акасин олтинга ўраб,  
Қалинни аямай Мирза нақд тўлаб,  
Учинчи қулфни осди эшикка.

Солди қулликка.

2

Қайнана қовоғидан ёғилиб заҳар,  
Тергаб юрди газаб тўла ўз нигоҳида,  
Мана, Зийнат қайнана билан бу сафар,  
Паранжида комсомолнинг ўтди ёнидан.  
Ўзга олам: асалари уяси каби  
Янги ҳаёт билан қайнар совет мактаби.  
Бунда қанча овоз, турли оҳангга солиб,  
Ленин расми безаган ол китобни олиб,  
Шўх, қора кўз ўғил-қизлар хушчақчақ

ва шод,

Шу сўзларни бирга-бирга олардилар ёд:



«Нодирбой бойлардан ерларни олди,  
Барча йўқсилларга бўлашиб берди!..  
Уйда мудроқ, шишинқираб, увушган бир ҳол  
Қутар эди уни эри—хўжаси Мирза.  
Хўрсинди-ю, Зийнат кўзин юмди шу лаҳза:  
«Юзинг қурсин чол!»

3

«Оллоҳу акбар,  
Оллоҳу акбар» деб,  
Араб қуръонидан чигал оятни  
Сўфи минорадан қичқирган тонгда,  
Уйнинг одатига ўқиб зўр нафрат  
Эшикдан соядай сирғалиб Зийнат  
Бориб кирган эди у «комсомолга».

«Зийнат! Қайда эдинг, ҳозир, айт, Зийнат!  
Очиқ келдинг, қани паранжи, чиммат.  
Итвачча, заррача ор борми сенда,  
Номусга ўлдирдинг беор, шарманда!»  
Қайнана қарғади беҳад ғазаби,  
Бир лаби осмонда, ерда бир лаби.

Зийнат жавоб қилди шу тахлит дадил,  
«Еруғ дунё кўрдим, нурга тўлди дил.  
У шундай бир жойки, кўз кўзни очур,  
Ленин қонунларин ўргатар барин.  
Уйғотиб ўзбекнинг хотин-қизларин  
Йўлига озодлик нурларин сочур!»  
Эртаси ганг, карахт, дарғазаб Мирза  
Зийнатдан айрилиб хўп аламзада  
Муте хотинларга заҳрини сочди,  
Мирза чангалидан сувдай сирғалиб,  
Эркисизликдан нурга тўғри йўл кўриб,  
Зийнат Фарғонага шу кеча қочди!..

Моҳнат билан кеча-кундуз тинмай ўтди йил  
 Бу жанговар қочоқ учун ёрқин рўёдай.  
 Нақадар зўр иштиёқда тинглар уни эл,  
 юрагига кирди зиёдай.

У. фронтда разведкага яширин қатнади,  
 Босмачининг кир дилида ғазаб қайнади.  
 Деди: «Тутиб чаккасидан қўямиз ўн ўқ,  
 Большевикда бошқа бундай йўқ».

Ҳаёт топди жавлон уриб ичида жангинг:  
 Гоҳ у полкнинг извошида, гоҳ отда учди.  
 Кундан-кунга бу қора кўз комсомолканинг  
 Афсонавий шухрати ўсди.

Мирза келди Фарғонага бот,  
 Дилда қора ният, ором ёт.  
 Чойхонага ўзин урди:  
 Икки қонхўр жаллодни ёллаб,  
 Олтин, зар-ла пичоғин ёғлаб,  
 «Зийнат бошин ол!» деб буюрди.

«Хўн,— дейишди— қиласан сабр.  
 Изин некаб кезамиз, чўл, қир.  
 Комсомолканг тушади қўлга!»  
 Икки қонхўр жаллодни ёллаб,  
 Битириш-чун тунда ишини  
 Тулкисимон югурди чўлга.

Икки жаллод кесиб йўлнинг  
 Қайирди-ю Зийнат қўлини:  
 «Майиб бўлиб яшайсан!» деди.

Пичоқ билан тилиб кўкрагин,  
Синдиришиб бўйин суягин,  
«Ўлдирдик», деб диллари тинди.

6

Касалхонада... Ҳадемайин беш ой ҳам ўтди  
Юз-кўзи дока билан боғланган қат-қат.

Бу қўрқинчли туш эмас, ўнги,  
Чала ўлик ётади Зийнат.

Зийнат кўзи аланглайди овози ҳам ёт,  
Қулоғи қар, бош айланар тинмайин ҳамон.

«Қандай қилиб сен қолдинг ҳаёт»,  
Дейишади докторлар ҳайрон.

Москвага келтиришди. Бу ерда зўр фан,  
Фан бахш этди унга қулоқ, тил, кўзга нурни.

Бир қўл комсомолда янгидан  
Гурлаб кетди исёнкор руҳи.

«Шарқ меҳнаткашларин Комуниверситети  
Тушида ҳам, ўнгида ҳам фикрида кезди.

Зийнат улуғ доҳий тобути  
Тепасида: «Яшайман!»— деди,

Сен ҳам тирик васиятинг билан диламда,  
Қишлоқлардан қишлоқларга ўтиб элимда,

Уни деҳқон аёлларин дилига қуйгум  
Токи сенинг азиз номинг ёзишга қодир

Менинг сўнгги мана шу қўлим!»

1925

## БАХТ

(Шарқ афсонаси)

Одамлар,  
Саноқсиз-сонсиз одамлар,  
Гоҳ чаққон, гоҳида ёвуз қадамлар.  
У мағрур ёш бўлсин, ё букчайган чол,  
Гоҳ гўзал қиз бўлсин, гоҳ совуқ баттол,  
Гоҳ ғариб чўпону гоҳ бой савдогар,  
Гоҳ доно раҳбару гоҳ бузғунчи ғар,  
У—қўшчи,  
темирчи,  
овчи,  
жангчи у—

Ҳар бири доимо қилади орзу.  
Дилдан ишонади, кутади ҳар вақт:  
— Бахт келади,  
Бахт келади!  
...Бахт!  
Бахт гўё дев каби қўшқанот—улкан.  
У халқни, ўлкани танламас экан,  
Кўрдай чўнқирларга ташлайди қадам,  
Асло парво қилмай чегарага ҳам!  
Қишлоқ ичра кезар излаб у чиндан,  
Гоҳ марказ қўйнидан, шаҳар ичидан!  
Излайди пайпаслаб, ўйламасдан ҳеч,  
— Бахт!

Бу кутмаганда топилган севинч.  
Ҳасадгўй ачитиб айтади зимдан:  
— Бахт ўзи йўқ гапдир, маълум қадимдан.  
— Кўрдир у!

— Кўрдир у!

— У сўқир орзу!..

Лекин бундай ҳукм қилиш ноўрин,  
Бахтнинг кўзи бордир, эмас яширин.

Буни ҳамма бахтли билади аниқ,  
Бахт ҳам кўра олар, дили бор ёниқ!  
Кўзи бор, уфққа чорловчи ҳар вақт,  
Кўзи бор бахтликка берган муҳаббат!  
Кўзи бор, боқиши ўртагай кўнгил,  
Кўзи бор, гоҳ дилни айлаган чил-чил!  
У — севги оташи, айрилиқ дарди,  
Айрилиқ заҳри бу, кўнгилнинг гарди—  
Айрилиқ дарди..

Севиб-севилганнинг бахти ўзгача,  
Кўнглида эъзозли аҳди ўзгача.

Бахт уни эркалаб боқади шодон:

— Рухсат эт боқишга сенга, қадрдон!

Ва лекин гоҳида, ҳеч гап демассан,

Бирдан фиғон қилар:

— Бу сен эмассан!

Бу асло сен эмас, деганча аста,

Тик қоя—чўққидан туширар пастга.

Ва яна юқори сари чорлайди—

...Бирпасда!..

Бахт.. Гўё тақдирда бир тамға, чақин.

Ўзганинг ташвиши келмагай яқин.

Бахт гоҳо булутли, қаҳрли осмон,

Кимнидир излайди, кезиб ҳар қачон.

Кимнидир излайди,

Излайди ҳар вақт—

Бахт!..

1927

## АЁЛНИНГ ИУҚОЛГАН ЖАННАТИ

*(Қадим шарқ афсонаси)*

Жуда қадим замонда,  
Омон-омон томонда  
Бор экан бир хонлик,  
Довруғи дostonлик.  
Вой-во-о-о-ой!

Десангиз, у замонда  
Расм-русмлар бошқа,  
Даъво-ҳукмлар бошқа,  
Одам зоти бошқача,  
Ҳайвоноти бошқача,  
Вой-во-о-о-ой!

Уша қадим хонликда  
Хоникаю хонзода  
Бекойим, асилзода,  
Вазиру вuzароси,  
Нуфузли фуқароси  
Ҳаттоки қози калон,  
Девонбеги, мулласи,  
Хотин экан, хулласи!  
Хотинлар ҳукми равон.  
Ёвларга қирғин солган,  
Давлатнинг кўрки бўлган—  
Лочинлар экан—Аёл!  
Хотинлар салтанати,  
Давлат эмас, жанинати,  
Вой-во-о-о-ой!..

У манзилни мисоли  
Боғи Эрам дерканлар.  
У шаҳарнинг номини  
Самирам дер эканлар,  
Қирқ минг устун кўмилган,  
Тупроқда,  
Тошлоқда,  
Қумлоқда.  
Унда Самирам турар.  
Қуббалари ярқирар.  
Булутларга бош урар.  
Шуълаларга чўмилган,  
Пойдевори мустаҳкам,  
Қаср экан чинакам.  
Найза отса—ботмайди,  
Арқон солса—етмайди,  
Кўчманчи туркманларнинг  
Ҳийласи ҳам ўтмайди.  
Самирам хоникаси,  
Шавкатли маликаси  
Экан ўшанда Заной—  
Вой-во-о-о-ой!..

Хотинлар ҳамма жойда:  
Тахтдан тортиб саройда,  
Маҳкамаю девонда,  
Бозорбоши, дўконда!  
Хотинлар овга чиқар,  
Хотинлар жангга кирар,  
Айтгани-айтган,  
Дегани-деган,  
Хотинлар экан!  
Дастлари баланд,  
Эркаклар эса,  
Рўзғор билан банд.  
Эркакларнинг зоти кам,

Улар беҳуқуқ экан.  
Бир хотинга биттадан,  
Ҳатто эркак йўқ экан.  
Эркак қисмати тайин:  
Киру чир, қозон-товоқ.  
Саҳардан шомгачайин  
Қўли бўшамас мутлоқ.  
Ўтов супура эркак.  
Урчуқ йиғирар эркак.  
Бия соғади эркак.  
Бола боқади эркак.  
Тунлари алла-палла  
Эркак айтади алла:  
«Алла-ё, болам, алла!  
Алла-ё, алла!»  
Вой-во-о-о-ой!..

Эрлар аллалагани  
Ўғил болалар бари.  
Иззат-ҳурматда экан  
Бу ўлканинг қизлари.  
Туғилганда қизалоқ  
Ҳар уйда байрам экан.  
Ўғил бўлса чақалоқ,  
Қайғу экан, ғам экан!  
Қизлар аллада азиз,  
Она билан ўсар шод.  
Юздан битта ўғилга  
Кулиб боқаркан нажот.  
Қатор юзта яланғоч,  
Ўғил кутар ҳиссасин,  
Сўқир кампир кираркан  
Дўқиллатиб ҳассасин,  
Сўқир кампир таваккал  
Танлагани қолар соғ,  
Шундай тирик қоларкан



Юздан битта чақалоқ!  
Вой-во-о-о-й!..

Қолганларин бирма-бир  
Арк деворидан тақир—  
Ерга отар хотинлар,  
Юраги тош-метинлар!  
Оч бўрилар увиллаб,  
Шоқол изғир изиллаб,  
Чақалоқлар биғиллаб,  
Уларга ем бўларкан.  
Раҳм қилмас экан эл,  
Шундай экан таомил!  
Вой-во-о-о-й!..

Ким тақдирдан қочибди:  
Ҳамма хотинлар каби,  
Хоника—оғироёқ.  
Кеч кузак чоғи экан.  
Ёзги малла тўнини  
Ечиб ташлаган осмон.  
Эгнида вазмин, сипо,  
Қорамтир оғир чакмон.  
Осмон дув-дув ёш тўкар.  
Дарёлар тўлиб-тошар.  
Сокин кўллар ҳам тўлиб,  
Қирғоқларидан ошар.  
Вой-во-о-о-ой!..

Сўқир кампир бир куни  
Йиғлабди ёқавайрон.  
Кўз ёшлари ариқдай  
Жилдирабди тўрт томон.  
Қалъа устунларидан  
Шоввадай оқибди сув.  
Кампир эса соч ёйиб,

Йиғларкан хўнграб ув-ув.  
«Не ташвишдан ҳолнинг танг?»  
«Не ғамдан бу далолат?»  
Кампирни ўраб олди,  
Одам тумонат:  
Вой-во-о-о-ой!.

Кампир сўйларди бежо:  
«Узинг асра, эй худо!  
Хониканинг кўксига  
Усаётир бир бало!  
Ҳомиласи ўғилдир,  
Астағфурулло!  
Камолга етганда  
Бу шум зурриёт  
Аёллар хонлигин  
Этади барбод!  
Вой-во-о-о-ой!..

Кампирнинг йиғлай-йиғлай,  
Кўзи қуриди.  
Ер юзидан бутунлай  
Ўзи қуриди.  
Занойнинг дили хуфтон,  
Чекар изтироб.  
Самирамда тўполон,  
Ваҳима, чоп-чоп....  
Тарақ-туруқ қилишиб,  
Юз оқсоч кампир  
Занойнинг ён-верида  
Йиғлаб, нола чекдилар,  
Мўлтирашиб, жовдираб,  
Кўздан жола тўкдилар.  
Вой-во-о-о-ой!..

Қари-қартанг барчаси,  
Аҳли девон йиғилди,

Машваратлар тузилди,  
Чиқмади маъно.  
Янги девон чорланди,  
Ёшлардан аммо.  
Ечилмай қолди бироқ  
Мушкул муаммо.  
Кексалар нодон эди.  
Ёшлар қолишмас эди.  
Тентак тентакдан қолса,  
Қулоғин кесар эди!  
Бари дардисар эди!  
Вой-во-о-о-ой!..

Чорланди энди  
Учинчи девон.  
Бу девоннинг доноси,  
Жимитчалар ичида  
Зигирдай қизалоқ  
Баногоҳ  
Сўйлади шундоқ:  
«Нега оҳ уради,  
Бутун бир шаҳар?  
Хониканинг ўғлидан  
Титрашиб қақшар?  
Уша шум чақалоқ  
Туғилгани чоқ  
Пайсалга солмай  
Қиламиз гумдон!  
Самирам деворидан  
Отамиз осон!  
Бўрию қашқирга  
Ем бўлар-кетар!  
Унинг билан бирга  
Йўқолар хатар!»  
«Мана, зап маслаҳат  
Топдик ниҳоят!

Дап бўлар шундай!  
Вой-во-о-о-ой!..»

«Оллоҳу акбар!»  
«Оллоҳу акбар!»  
Ҳайратдан ёқасин  
Ушларди ҳамма:  
Буни қиз, дейдилар,  
Нодон ўғилмас!»  
Қувонч оғушида,  
Бутун шаҳар маст.  
«Бу иш не бўлибди  
Бизларга ахир?  
Онасин бағридан  
Юлиб бирма-бир  
Қанчасин бўрига,  
Қашқирга отдик!»  
Шўрлик Заной турар  
Бошини эгиб,  
Тилла гилам узра  
Қорни қаппайиб.  
Кўзларида алам  
Еши айланиб:  
«Наҳотки ўғлимнинг  
Қисмати ўлим,  
Қисмати ўлим?!»  
«Вой-во-о-о-ой!»

Ҳамма бош чайқарди:  
«Вой-во-о-о-ой!..»

Бечора Заной!  
Бошида хаёлмас,  
Илон, ҳойнаҳой!  
Вой-во-о-о-ой!..

Шу илон захридан  
Бўлмасин деб соб,  
Икки ёвуз канизак  
Билмас эди хоб.  
Занойга кори ҳол  
Бўлса мабодо,  
Иккиси бошидан  
Бўларди жудо.  
Қирқта туяга юк,  
Бир аёл макри!  
Заной ўйлаб-ўйлаб,  
Топди ахири:  
«Гарчи эркаклар оз  
Ўзи бизларда,  
Иккита туркманни  
Берай сизларга!»  
Лаққа тушди икки  
Эрга зор чўри.  
Ушандан бошланди,  
Элатнинг шўри.  
Вой-во-о-о-ой!..

Вақти соати етиб,  
Хоникани дард тутиб,  
Кўзи ёриди, биллоҳ!  
Кўчқордайин ўғлонни  
Қизчага алмашдилар.  
Сўнг элу юрт олдига  
Суюнчи, деб шошдилар.  
«Одамлару одамлар,  
Тоғда битган бодомлар,  
Ун ялаган аллоплар,  
Қон ялаган қассоблар,  
Эшитмадим деманглар:  
Хоникамиз қиз кўрди,

Толеси юлдуз кўрди!»  
Вой-во-о-о-ой!..

Самирамда хушxabар,  
Шодиёна ёйилди.  
Чавандоз, шоввоз қизлар  
Отларга қамчи босди.  
Қатор-қатор туялар,  
Рама-рама қўйларга  
Тўлди карвонсаройлар.  
Зеб-зевар,  
Адрас-кимхоб,  
Қолва сиғмас уйларга.  
Сават-сават нонларни  
Пешкаш қилди ҳар нонвой.  
Совгаю саломларга  
Кулиб қарарди Заной.  
Ахир, у ўз халқининг  
Кўзига чўн солганди.  
Ҳийла билан,  
Туққани—  
Ўғли омон қолганди!  
Вой-во-о-о-ой!..

Ҳар тонг қуёш нур сочарди,  
Оқар сувдай кун кечарди.  
Унинг тафти-оташидан,  
Еру кўкка ўт тушарди.  
Ҳафталар ўтди-кетди.  
Ойлар ўтди тўлишиб.  
Опа-сингил бўлишиб.  
Хониканинг ўғлони,  
Ўғлони эмас—жони  
Ҳеч ким билмас ўтовда  
Кишмиш еган бедовдай  
Усар эди ойма-ой,

**Билдирмас эди Заной!  
Вой-во-о-о-ой!..**

Иигирма йил нимадир?—  
Вақтнинг кичик зарраси!  
Эр етди хоннинг ўғли —  
Иигитларнинг сараси.  
Ҳаттоки ёвлар унинг  
**Таърифига сўз излар:**  
«Иигитларнинг бир гули!»  
«Шер юракли Искандар!»  
Искандар довруқ солиб,  
Бўлганда соҳиб камол,  
Самирам осмонида  
Изғиди офат-шамол.  
Қузғун каби булутлар  
Офтоб юзини тўсди.  
Қуйдиргич нохуш ўтлар  
**Шаҳар оралаб эсди.**  
Саҳро еллари йиғлаб,  
Боғларни хазон ёпди.  
Қушлар тўзиб, чирқиллаб,  
Моллар қутуриб чопди.  
Вой-во-о-о-ой!..

Кўчада ажабтовур,  
Мишмишлар, олағовур.  
Беозор, қул эркаклар,  
Мўмин, маъқул эркаклар,  
Қаттакон лашкар тузиб,  
Қуллик расмини бузиб,  
Бошладилар ғалаён:  
«Қонга-қону жонга-жон!»  
«Йўқолсин золим Заной!»  
«Искандар бизларга хон!»  
«Хотинларга эгиб бош

Қул бўлмаймиз ҳеч қачон!  
Искандар энди хоқон!  
Бизлар—аркони давлат!»  
«Хотинни бундан буён,  
Бизлар танлаймиз фақат.  
Энди қуллик чоригин  
Ўзларингиз кийингиз.  
Эрга иззат-хизматни  
Ўз ўрнига қўйингиз!  
Қозон-товоқ сизларга.  
Бола боқмоқ сизларга.  
Бичиш-тикиш сизларга.  
Гилам тўқиш сизларга.  
Хитойи матолардан  
Тўнлар тикинг бизларга!  
Вой-во-о-о-ой!..»

«Йигитларга совутлар,  
Пўлат дамли қиличлар.  
Йигитларга—ғалаба  
Келтиргувчи севинчлар!  
Сочи пахмоқ хотинга  
Тувак, сумақ, бешиклар!  
Ярашади хотинга  
Аллалару қўшиқлар!  
Эрларга—камон, ёй, ўқ!  
Хотинга—игна, урчуқ!  
Шартимизга кўнингиз,  
Қани; хотинлар, тезроқ!  
Баттар бўлар кунингиз,  
Йўқса, ҳолингиз чатоқ!»  
Қўшин бурғу чалади.  
Тоғ келбатли паҳлавон  
Уни бошлаб келади  
Мард Искандар—янги хон,



Кўшин келар тап тортмай,  
Вой-во-о-о-ой!..

«Эсини еб қўйибди  
Бу зоти паст эркаклар!»  
Битимга келмак учун  
Малика Заной борар!  
Сулҳ қайда? Билмай қўркув  
Кўшин келар сафба-саф.  
Бир лаҳзада хотинга  
Тўлиб кетди тўрт тараф.  
Хотинларга бир шиор:  
«Улсак-да, бўлмайлик хор!»  
Эркакларни бир йўла  
Этайлик, дея, яқсон,  
Хотинлар келар ўраб,  
Кўлда қирқ қулоч арқон  
Шўрлик эркаклар зоти  
Қириларди чивиндай.  
(Чигирткадай кўп эди  
Хотин—майдон ичинда!)  
Раҳм қилмасдан мутло:  
Ўлдирдилар кўпларин,  
Одам боши бир улоқ,  
Улар чопар кўпкари.  
Ўраб олишди бирдан  
Илғор сафни хотинлар  
«Искандар бор у ерда,  
Қани, арқон отинглар  
Вой-во-о-о-ой!..»

«Қани, бўл Заной  
Ханжарингни ол.  
Олдинда борар  
Золим Искандар,  
Уша қаттолнинг

Юрагига сол!  
Сенга муяссар  
Бўлди улуг бахт!»  
Бу не кўргулик!  
Бу қандай даҳшат!  
Рангида ранг йўқ,  
Танида мадор,  
Турарди Заной  
Ҳоли забун, зор:  
Вой-во-о-о-ой!..

На ўлик эди.  
На тирик эди.  
Сафга юзланиб,  
У шундай деди:  
«Эвоҳ! Кўр кампир  
Қилган каромат  
Унг келди бугун!  
Келди қиёмат!  
Сизларни алдаб  
Юрган эдим мен.  
Қиз эмас, ўғил  
Кўрган эдим мен!  
Искандар душман,  
Ғаддор душманим,  
Аммо у ўғлим,  
Туққанам маним!  
Бутун хонликни  
Этсам-да, хароб,  
Кўксимни тилиб,  
Чексам-да, азоб,  
Ўғлимга асло  
Кўтармам қўлим!  
Оҳ, ундан кўра  
Яхшидир ўлим!  
Охирги узрим:

Кечиринг зинҳор,  
Олдингизда мен  
Елғиз гуноҳкор!»  
Уз юрагига  
Санчди-ю, пичоқ,  
Оқ терак каби  
Қулади шу чоқ,  
Бечора Заной—  
Вой-во-о-о-ой!..

Хотин-халаж қалбига  
Тушди бир қўрқув.  
Сафлари тўзиб қий-чув,  
Урлик-жарлик демасдан,  
Сойлик, ғорлик демасдан,  
Югура бошладилар,  
Қуролни ташладилар.  
Ким уйга, ким далага,  
Ўзин урди панага!  
Эрлар қўлига ўтди  
Ҳокимият умрбод.  
Аёллар салтанати  
Бутунлай бўлди барбод.  
Шундан бери аёлнинг  
Пешонаси шўр экан!  
Ҳасратидан чанг чиқар,  
Пушаймони зўр экан!  
Вой-во-о-о-ой!..

Аммо етиб фурсати  
Келади бир халоскор.  
Олис шимолдан келар  
Қадамларида виқор,  
Шимол мамлакатидан,  
Аёз сукунатидан.  
Сочлари қордай майин,

Товланар кумушдайин,  
Кўзлари эса мовий,  
Қор хуснидай илоҳий.  
Сийналари эса қўш,  
Икки ҳаётбахш оққуш.  
Шу соғлом кўкраклардан  
Эзилган юракларга—  
Хотинларга қут ёғар,  
Бир мўъжиза қут ёғар.  
Уша қут ёққан ҳамон,  
Аёл йўқотган жаннат  
Топилгуси бегумон!  
Вой-во-о-о-ой!

1928

---

Афсона мазмунини «Кўхна ва навқирон Россия» журнаlining 1875 йил, II-сонидан олинган.

## ЕР БАХТИ

(Ленин ҳақида замонавий шарқ афсонаси)

### I

— Олам ичра бир олам Ленин,  
Қардош, буюк, чўнг одам Ленин.  
Йиллар оша, асрлар оша;  
Кунлар ўтиб ва қилиб тоқат,  
Утмишларни куйлаб ҳамиша,  
«Ер китоби» ёзилди фақат!  
Юрагига тугиб муддао,  
Етти қават осмонда худо—  
Ер ишларин қилганича қайд.  
Ўз китобин тугатган бир пайт.  
Одамларга бахш этиб орзу—  
Қолдираркан йўл-йўриқ бу дам,  
Бир лақиқа ўйлаб қолди у —  
«Бахт» варағин ёзаркан бардам.

Бутун олам донишмандларин  
Бир хонага жам қилганича,  
Сўрар:

— Айтинг, Бахт нима ўзи?  
Жавоб беринг ўйлаброқ пича...  
Донишмандлар саволни такрор  
Такрорлашар пичирлаб шу тоб.  
Сўнгра мушкул бу бир сўроққа  
Қайтаришар турлича жавоб.  
Доноларнинг доноси шунда  
Жавоб берар — дилга тугиб аҳд:  
— Чексиз ташвиш ва аламлардан

Сўнгги қувонч—

Энг каттакон Бахт!

Болаликдан кимга бахт мўлроқ  
Насиб этса агар ҳаётда,  
Бундан сўнг ҳам кўп-кўп толенинг  
Келишини истар албатта!  
Кимки ташвиш ичра ўсса гар,  
Ва улғайса зим-зиё тунда,  
Болаларга, набираларга  
У васият қолдирар шунда:  
— Бахт сўзи бу: «Озодлик, орзу!»  
Қонун тўла «Ер китоби»га  
Юрагидан чиқариб садо,  
«Бахт»дан сўнгра «қайғу» сўзини  
Ёзиб қўяр ҳаттоки Худо!

## II

Белгилади одамларни қул ва чирикдан  
«Шоҳ» ва «бой», деб кўпларига қўйиб берди

НОМ.

Бўйин эгсин деб уқдирди ҳар бир тирикдан,  
Авлодларни авлодларга айлади бадном.  
Белгилади яшаш учун ҳузур-ҳаловат  
Ва ўлгунча азоб чекиш—кўнгишлар яро.  
Деди:— Азоб, ғам уруғин экади ҳар вақт,  
Бу одамлар олам ичра, одамлар аро...  
Шоҳлар келди. Халойиқни топтаб тепдилар,  
Халқ эзилди товонларнинг зарбаларидан,  
Бойлар бойиш йўлларини излаб топдилар  
Ва кулдилар камбағалнинг бари-баридан.  
Йиллар ўтди, аср ўтиб ишин боблади,  
Қонли жангда ва тинимсиз курашлар аро—  
Камбағаллар ўз қўллари билан тоблади—  
Узларига кишанларни, эҳ, дунё, дунё!  
Сигиндилар кўкка боқиб, кўзлар нигорон,  
Ва Оллога умид қилиб, кутдилар мадад.

Аммо раҳм қилди на Ер, на баланд осмон,  
Бахтсизларга асло-асло кулмади омад.  
Олло қалби чидамади бу кўргиликка,  
Ўз вакилини юборди у: «Боринглар тезроқ!  
Ер юзидан йўқотинглар ноҳақликларни,  
Бешафқат шоҳ, зуғумли бой кетсинлар йироқ!»  
Аммо Худо вакилини ўлдирди шоҳлар,  
Яна мудҳиш ёвузликлар ҳаддидан ошди.  
Шоҳ қамчини зарбасидан юракда оҳлар,  
Оналар ва болаларнинг нафрати тошди...

### III

Бу ноҳақлик ҳаётни кўриб,  
Олло кўзи жиқ ёшга тўлди.

Дер:

— Ердан мен уздим умидим.

Ерда ҳаёт мен учун ўлди!

Ер инграйди зулмдан беҳол,

Ҳатто Олло кўзларида нам.

Доноларнинг доноси бир чол

Келар унинг ёнига бу дам.

Дейди:

«Олло, арафа яқин,

Бахтли кунлар кулиб боқмоқда.

Буюк Лемин мисоли чақин,

Томирида меҳр оқмоқда.

У ҳали ёш.

Мурғак қалбида—

Болаликнинг шўхликлари бор.

Аммо ўзи ақлли жуда,

Ҳеч нарсадан ҳайиқмас эинҳор!

Юпинларга куюб теңар дил,

Кураш қилар—бир сўз, бир аҳдли.

Не иш бўлса, ўшанга айтгил,

У дунёни этмоқчи Бахтли!»

## IV

Кўз ёш аро боққан чоғ Олло  
Кўрадиким, ерда тун ҳоким.  
Ва ҳокимдир совуқ донмо,  
Энг совуғи подшоши локин...  
Кўзи тушиб улкан дарёга,  
Худо дейди:

— Эшит, дўстим сен:

Қирғоқ узра боқиб зиёга,  
Икки ёшни кўряпман мен.  
Доню жавоб беради сени:  
— Тўғри, булар—ака-укалар.  
Буюкларнинг буюги Ленин,  
Тун зулматин қалби тилкалар  
Шунда Олло дер, айтиб нақл:  
«Ленин бўлсин шоҳларга дарра.  
Ақлига мен қўшайин ақл,  
Кўзларига нур қўшай зарра!  
Узгаларнинг фикрин уқар у.  
Дунё қалби юрагига жо.  
Юрагига ўт қўяй мангу,  
Машъаладай ёнсин донмо!»

## V

Ленин ўсиб-улғайди.

Унинг—

Боқинида зукколик, ақл.  
Юрагида эса сахийлик,  
Хаёллари тоққир, мустақил...  
Қон тўкишлар—жирканч бир дунё.  
Қасос олмоқ йироқдир жуда.  
Шундай пайтда янглишиб худо  
Бир қурбонлик берар беҳуда:  
Шаҳид бўлди Ленин акаси —



Қора кунлар кўрсатиб кучин,  
Шоҳ зулмига чидай олмасдан  
Курашларга чиққани учун!  
Ленин қалби титради бир бор,  
Чил-чил синган эди тилаги.  
Чўл бўрони каби ғазабкор,  
Нафрат билан тўлди юраги.  
Ва шоҳларга заррача ишонч  
Юрагида қолмади энди.  
Юмшоқ кўнгли энди батамом—  
Тош-метинга айланган эди...  
Сокинликдан кечган эди у,  
Ғалаёнлар—қайнаган ғазаб.  
Халқ қайғуси—улкан бир қайғу,  
Дил-дилини олганди қамраб.  
Келажакнинг ўтли кураши  
Хаёлидан қолмади четда.  
Мазлум халқнинг халоскори у,—  
Ленин буюк!  
Ленин энг катта!  
— Қамбағаллар, отланинг жангга!—  
Дея элга айлади хитоб.  
Майлига қон тўкилса ҳамки,  
Келажакнинг бўлсин нур,  
офтоб!  
Қон дарёси ичра бу замон  
Бою-шоҳлар фарқ бўлсин буткул.  
Гар шундайин қилмасак,  
инсон—  
Ўз бахтини топиши мушкул!

## VI

Барча ғарибларни уйғотди бу сўз,  
Барча камбағаллар уйғонди бу тонг.  
Бутун ер юзида улкан ва чексиз

Заминни титратиб бошланди зўр жанг.  
Осмонни титратди момақалди роқ,  
Денгизлар тебранди,

қалқиди ер ҳам.

Улар курашдилар тин олмай узоқ,  
Гоҳ ўқдан йиқилди меҳнаткаш одам.  
Уларнинг қалбидан қувилди шоҳлар,  
Бойларга аталди дўзах—

у дунё.

Инсон ноласини эшитмай дея  
Қулоғин беркитди ҳақпарвар Олло.  
Зафар соатлари чертди эшикни,  
Лениннинг овози етди тонгларга.  
Сўзлари тебратди олам—бешикни,  
Ва яна чорлади янги жангларга!  
Ер узра зулми йўқотди Ленин,  
Халқ ҳам қўрқувини тарк этди тамом.  
Лекигин барча шоҳ йўқолганча йўқ,  
Тугаб битганча йўқ бойлар батамом.  
Душманлар Ленинни қўйдилар яниб.  
Бирор сотқин жаллод излашди шу дам.  
Шу ифлос топилди,

ҳар сўзда тониб,

Ҳатто жазм этди ўлдирмоқни ҳам!  
Аҳмоқлар!

Уларнинг ақли етмасди,  
Улмаслик Лениннинг жони-жонида.  
Мангулик,  
Мангулик—Ленинга хосдир,  
Мангулик ўт-олов оқар қонида!  
У—қуёш, чиққану ботмагай асло,  
У шуъла сочади мангуликка хос.  
Йигирма тўртинчи йилда у аммо—  
Бир зумга эшикка чиққандир, холос.  
У тирик,  
Ленинга ўлим бегона,

Ҳамон душманларга сўзлари ўқидир.  
Ҳозирча озгина олмоқда ором,  
У мангу жаранглар куйдир, қўшиқдир!  
Ҳаммани кузатар зийрак кўзлари,  
Душман кимлигини билади ҳар дам.  
Бизнинг дилимизда оташ сўзлари,  
Унга аниқ-равшан эгри йўл, қадам!  
Ҳамон у сафларнинг олдида эрур,  
Зафарли курашга чорлайди ҳамон.  
Ортидан боради, юрагида кўр—  
Миллион-миллион курашчан инсон!  
Одамлар зулмни йўқотар ердан,  
Енида доимо Ленин бўлар бош.  
Қочиб-қутулолмас ҳеч қандай душман,  
Ленин йўлбошчидир,  
Ленин—бир қуёш!  
«Ҳаёт китоби»дан йўқолар «ташвиш»,  
Бахт ила нурларга чулғанар олам.  
Ер илк саҳфасига шундай деб ёзмиш:  
«Ленин—бу энг буюк,  
энг буюк одам!»<sup>1</sup>

1929

---

<sup>1</sup> Демьян Бедныйдан, бу афсонага нима асос бўлган, деб сўрашганда, «Мен Л. Соловьев томонидан Фарғона область Ҳожи Ягона қишлоғида Эргаш Қорабоев оғзидан ёзиб олинган афсонани ишлаб чиқдим», деб жавоб берган эди.

## ШАЙТОНАРАВА

Танқидчи оқларни,  
Снѣсий пачоқларни,  
Муҳожирларни—чет элликларини  
Ва шу ерликларини  
(Ички истемол учун дегандай) тингласангиз,  
гўё,

Мақташга йўқ эмиш бизда ҳеч вақо  
Арзигудай энг кичик қасидага ҳам.  
Қадим-қадим йилларда, ўктам  
Қасидагўй очикдан-очик,  
Ҳомий тоғорасига мақтовлар сочиб,  
Шеър ёзарди,  
Яна қиларди эълон  
Хушомадгўйлик қилишин аён.  
«Орденми, мансаб—шоҳ туғилган ойда—  
Берилса бирор-бир мансабдор бойга,  
Ёки қизми, ўғил бўлса фарзанддор  
Шу шеър-ла ёрига ишқ қилсин изҳор»<sup>1</sup>.  
Қасидагўй ҳатто куйларди беғам  
Подшоҳ аёл — бузуқ Фелицани<sup>2</sup> ҳам.  
Шарафлар ўқилди мансабдорларга,  
Ифлосликдан ёрлиқ олган бадкирдорларга.  
Битилди қасидани қандай ёзмоқнинг

---

<sup>1</sup> Бу сатрлар «Николай Остолоповнинг шеърининг турларидаги тажрибалари ёки илгариги эрмаклари», деган китобдан олинди. Москва, 1816 й., 132-бет.

<sup>2</sup> «Фелица» — Малика Екатерина II куйланган Г. Р. Державиннинг машҳур қасидаси.

Жимжимадор намуналари  
Ва шунга ўхшаш нағмалар бари.  
Кейин қасидани ногаҳон,  
Жонга тегди дея қилдилар эълон.  
Вақти ўтган деб гапирсалар ҳам,  
Бўла олмадилар ундан Мосуво.  
Октябрь кунлари келгунча, гоҳо  
Бундай кўринишда, гоҳ у суратда  
(Кимнинг эпи бўлса, албатта),  
Адабий тирикчилик растаси  
Сотиб келди елкаси йўқ қасидасин.  
Ёзди қасидани эринмаса ким,  
Устига кийгизиб янгича кийим.  
Қасиданавислар тиришиб, жўшиб,  
Битта ҳодисага минг оҳанг қўшиб,  
Кўринган нарсани куйга солдилар,  
Ҳатто мурдаларни мақтаб қолдилар.  
Нари бориб турсин косиб шеъркорлар,  
Ҳатто бастакорлар—  
Буюқлари  
Ва суюқлари  
Топишиб оҳангдош туюқларни,  
У ёки бу ҳодисага, эснаб —  
Бера бошладилар мусиқий безак.  
Фақат «олимақом» «Ҳаётимиз шоҳга»ни эмас,  
Пастроқ мавзуларни ҳам билдилар муқаддас.  
Ёритди кулгили мавзуларни баъзан,  
Шон-шарафчиларнинг илҳом зиёси:  
Мусиқа! «Водопроводга  
Интизорлик фантазияси»<sup>1</sup>.  
Фортепьяно жўр бўлар, скрипка чалар,  
Қандай зўриқишди бастакорчалар!  
Виолино!

---

<sup>1</sup> «Водопровод интизорлигидаги фантазия». Скрипка ва фортепьяно учун. Г. Харченко асари.

**Андантино!**

**Қасида (мусиқий тағин!)**

**Ростов-Дондаги**

**Водопровод шарафига!**

**Бу билан тош отмоқчи эмасман буржуйлар  
тарафига.**

**Қачонки мадҳ этса шоирларнинг назми,**

**Уларнинг ютуқларин кўпми, ё озми;**

**Қачонки гап кетса ўзлари ҳақида,**

**Уларга кулгули туюлмас қасида.**

**Бизнинг ютуқларга келганда аммо.**

**Оғзингга сув ол-да, жим бўл мутлақо!**

**Кўриб тур-да,—жим бўл!**

**Жим бўл!**

**Мингиллама!**

**Скрипкага урма қўл,**

**Фортепьяно, тингиллама!**

**Шоир,**

**Ёзма бир сатр!**

**Шоирлик тахтига дарз тушар, ахир,**

**Турфа номзодларнинг қулоғи қизир...**

**— ВҚПга? Йўғ-е, қўйиб тур!**

**Соловкага, балки Норимга,**

**Чунки...**

**Бурилолмайсан. Бурилиб ҳам кўргин-чи!**

**Дарров, биласанми, ўхшайсан кимга?..**

**Хуллас, номинг бўлар Демьян Иккинчи!**

**Аммо буржуйларга етар битта Демьян ҳам.**

**Ёвнинг гўзалпарастлигига**

**Қилмадим карам.**

**Ҳозир ҳам ижодий ҳаяжон ҳақида,**

**Улкан большевистик камол ҳақида.**

**Туркистону Сибирь йўлини**

**(Ҳеч ким чўзмаса ҳам ёрдам қўлини)**

**Мардона, якуни—бахтли он ҳақида**

**Ҳикоя қилгувчи «Шайтонарава»ни**

Эълон қилиб, кўпайтиргум яна ғалвани.  
Аслида-ку, қасида керакмас,  
Ғалаба шунчалар муқаддас,  
Қувончлики,  
Каттаки,  
Майда-чуйда шеърмас, ҳаттоки  
Эпопеялар битмоқлик лозим!  
Мен-ку, улгурмасман—Қани, ким?  
Шоирлар, кўзғалинг!  
Салоҳият бўлса кимда озгина  
Айтишувга қўшила қолинг!  
Ёзинг—наҳот шиддатингиз кул бўлди тамом—  
Турксиб тўғрисида коллектив достон.  
Жанггоҳ—совуқ Сибирь ва қозоқи дашт.  
Жангда аввал туман меҳнаткаш,  
Сўнг ғайратдан белига боғлаган камар  
Бир бутун лашкар.  
Иккига бўлиниб забардаст қўшин,  
Душман сафларига бошлади ҳужум.  
Бири қилди шимолдан юриш,  
Бири қилди жанубдан хуруж.  
Бир ёнда муз, бир ён жазира—  
Чидаб бўлмайди сира!

Штабдаги ақлли каллалар,  
Уйлаб топди ҳар хил нағмалар.  
Қуш ўтмаган саҳро-тоғларни,  
Довонларни  
Тезроқ мағлуб этмоқлик учун  
Ўйлардилар «мумкинмас...», «мумкин!»  
«Кетдик Қурдойга».  
«Қанча километр экан у жойга».  
«Қоптошга шундоқ бетма-бет-да!»  
«Йўқ, менимча, у четда».  
Охир мўлжал топишди зарбга:  
«Чўкпарга!»

Қўлларга тутиб болға,  
Йўл изин солувчилар,  
Разведкачилар, олға!  
Ташланди олдга томон  
Қоплон юрак, бир сўзлар.  
Юракда эзгу туғён.  
Ёнади кўзлар.  
«Шимол» ўзиб кетса бир галда,  
Бир гал «Жануб» қилади ҳамла.  
Нақ қирқ беш. Жазирама.  
Ҳордиқ чиқариб, яна  
Ишга ташланадилар,  
Утирмайдилар нолиб.  
Наҳот, шундай ботирлар  
Меҳнатда келмас ғолиб.  
Ёзнинг иссиғига эгмаганлар бош,  
Ноябрь совуғига ҳам бердилар бардош.

1927 йилнинг қорли ноябри охирида бизнинг отрядимиз Чўкпар дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб темир йўл ўтадиган жойларни ўргана бошлади. Биз ҳозирги Эспе бекатидаги қароргоҳга етиб келдик. Истиқомат қилишимиз учун тўртта ўтов ижарага олиниб, уларга сиқилиб бўлса ҳам бутун отрядимиз билан жойлашиб олдик. Совуқ иш суръатини ўзгартириб юборди. Дам-бадам ёпирилиб турадиган бўрон, шиддатли шарқий шамоллар бир дақиқа ҳам тинчлик бермасди. Баъзан бўрон тўрт кунгача тинмас эди. Отряддагиларнинг бирортасида ҳам иссиқ кийим йўқ. Бошимиздан қийин кунларни ўтказаётгандик. Ўтовлар илма-тешик — яшашга яроқсиз эди. Улар шундоқ қор устига ўрнатилганди.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ҳамма насрий иловалар Туркистон-Сибирь темир йўли қурувчиларининг хотираларидан иборат «Турксиб» деган тўпламдан олинган.



Бир кўчманчи кўриниш.  
Ишни тутиб қолди қиш.  
Йигирма саккиз. Баҳор.  
Тинмай ишлайди илғор.  
Кун ўтар ўйлаб, ўлчаб,  
Майнинг ўртасигача.  
Тоғ-тоғ қоғоз қораланган.  
Навбат—асосий кучга!  
Ерқазарлар, сизга гал,  
Ол-ға-а!  
«Тошкесарлар тошкорлар,  
Ишнавис билармонлар,  
Усталар, дурадгорлар,  
Эй, барча қаҳрамонлар,  
Қани, чиқинг майдонга!»  
На қорин дуруст тўйиб,  
На ҳузур бериб жонга  
Бошланар иш кунлари...  
Қаёққа қарамасанг,  
Ҳиппирар чўлнинг бари!  
Қиши изғирину ёзининг лаби қақроқ.  
Мангу оч, чарчоқ.  
Мангу чанқоқ.  
Бўрон гувиллару увлар изғирин.  
Аммо таслим бўлмайди ҳеч ким.

Темир йўл ётқизувчилар жамоаси ишга тушди.  
Шароит янада оғирлашганди: шилта қор, лойгарчилик,  
изғирин... Аммо ҳеч ким чекинишни ўйламади. Тушкун-  
чиликдан асар ҳам йўқ эди. Аксинча, иш мардонавор-  
лик ва тезкорлик билан борарди... Шошмоқ керак эди.

Оғир!  
Оғир!

Оғир!

Овқатга қорин тўйиб-тўймайдир.

Улушимиз нон—мисли юпқа,

Кийимимиз юқадан-юқа.

Ночорлигу йўқчилик фақат.

Ахир, бу—жанг, жанг кўн бешафқат.

Чекинмоқ бекор.

Жазира.. Қум...

Сув—тансиқ.

Сув—заққум...

Қуёш ёндирарди. Юзларимизнинг териси неча марта кўчиб тушди, ёритган лабларимизнинг яраси битиб улгурмайди. Жизғинаги чиқиб ётган чўл, одамларнинг эмас, ҳатто отларнинг мадорини қуритадиган намакоб сув—иш шароити шундан иборат эди.

Жанговар вазият.

Қуёш оловида чекиб азият,

Сахро билан бетўхтов олишиб,

Тоғлардан ошиб,

Жарлардан ўтиб.

Қумни тўзғитиб.

Пўлат из солиб боришар...

Томирни ёргудай чаккадаги қон.

Бош айланар,

Хаёл қоришар,

Аммо иш тўхтамайди.

Тўхтамас ҳеч қачон!

Ишнинг оғири ёзга тўғри келди. Ҳарорат олтимиш даражага етди. Сувсизликдан, иссиқдан одамлар ҳам, отлар ҳам азоб тортарди. Тупроқни ердан ажратиб араваларга ортишдан кўра, қум барханлари орасидан ташиш минг ҳисса машаққатли эди. Отлар ҳолдан тойиб, нобуд бўлардилар. Ем-хашак етишмаганидан, тинимсиз

чарчоқдан кызга яқин от шу тариқа жон берди. Айниқса, июль-август ойларида мушкул аҳволда қолдик. Кунига икки-уч мар а тўзонли шамол кўтариларди. Қум қулоқ-бурнимизни гўлдирад, оғзимизда гижирлар эди.

Қочиб қутулиб бўлмас ёвуз махлуқ—офтобдан.  
Ишни бўлса жадаллаш шарт—вақт қилар таъқиб.

Рельсни мустақамлаш керак — гулмихлар қоқиб.

Қочиб қутулиб бўлмас ёвуз махлуқ—офтобдан.

Табиат разо кўрмас қултум кўлмагин,

Бир сўз агар қақроқ лаблар куйиб азобдан:

«Сув!»

«Сув!»

«Чўлладим!»

Бирдан қулоқлар бўлар динг!

Кимдир ҳайқиради: «Болалар-ҳо-о!»

«Нима тоғдинг?»

«Нега қақаллаб қолдинг?»

«Айтсанг-ми! Бўла қол! Яхшиликми, ё...»

«Болалар-ҳо-о!»

«Бақиргани бақирган,

Бир шумликни ўйлади бу қув».

«Болалар-ҳо-о! Су-у-ув!»

«Муздайми?»

«Ҳа!»

«Чучукми!»

«Ҳа!»

«Бирордадилар, кетдик бўлмаса!»

«Сув!»

«Ичамиз-да, роса!»

Кўтоннинг ёнидаги бу чучук сув бўйида одамларнинг бир неча кун дам олиш мўлжали ҳам йўқ эмас эди. Уларнинг б. истаги шу қадар ўринли эдики, бошқа маҳал бўлганда, ҳеч ким ишчиларни ўрнидан қўзғатолмас, қумзор қаърига ҳайдаб, ишлашга мажбур қила олмасди.

Аммо темир йўл қурувчиларининг ҳар бир куни ҳисобли эди. Унча-мунча тушунадиган аравакашлардан зарбдор гуруҳлар тузилди. Иккиланиб турганлар шу гуруҳлар ортидан йўлга чиқдилар.

«Сув бўйида бўлса чодир...»  
«Сувми? Қопқон бизлар учун».  
«Қурилиш дегани, ахир,  
Бизни кутиб турмас бир кун!»  
«Бир кунни қўй, бир лаҳза ҳам!»  
«Сув бор.. Андак...»  
«Биз ўрдакми, ёки одам?»  
«Салқинласак!..»  
«Ялқовмизми, намоийишчи?  
Фароғатда уйқу элтар!»  
Тўсатдан бир фармойишчи  
Бақиради: «Бўлди, етар!  
Эй, зарбдорлар! Аравакашлар!  
Ётмоқлик ҳам тегди жонга!  
Қани, олға!»

Юқорида тасвирланган қийинчиликлар ортда қолиб кетган бу кунда, ўша оғир лаҳзаларнинг ҳал қилувчи машаққатларини ўз зиммаларига олган ўртоқларни миннатдорчилик билан эслаймиз. Мана улар: замбилғалтакчилар зарбдор жамоасининг раҳбарлари—Савельев, Подковирин; аравакашлар жамоасининг раҳбарлари—Дозмаров, Васютин, Заназовский ва Шевченко.

Янги-янги ғалабадан сўнг,  
Ярим кеча—уйқудан аввал,  
Орту сўлдан гурунг бўлиб ўнг,  
Бош мавзуга кўчади ҳар гал.  
«Қо-зо-ғис-тон. Юрт деса арзир»,  
Нотаниш ўлкага кўчади суҳбат.

Кимдир бирдан олар хавотир:  
«Сувсизликмас ёлғиз фалокат,  
Зилзила ҳам бўлади зоҳир!»  
«Титратару қорин тўйғазмас,  
Ана еру, мана ер!  
Нимага у қалтирайди?»  
Қизиқсиниб кимдир дер.  
Бундай саволларга ҳар қайда мудом,  
Содда одамларнинг жавоби аниқ:  
«Ҳамма гап яратган Эгамга аён,  
Қозоғистонни ҳам яратган Холиқ!»  
Қозоқ ишчиларин тилидан аммо,  
Эшитиб қолдилар бир эртак ногоҳ.  
...Илк бор бу заминни Холиқи Раҳмон  
Яратди ҳақиқат қонунига мос.  
Тартиблар унчалик эмасди ёмон,  
Еру сув ҳақида гап кетганда, рост.  
Сув борми, ер ҳам бор—ер борми, сув ҳам.  
Бу ёруғ оламда бирор-бир одам  
Очлик нималигин билмай яшарди,  
Меҳру муҳаббатда қадам ташларди.  
Аҳиллик, дўстликда кунлар ўтарди,  
Ҳаммага овқат ҳам, кийим етарди.  
Аммо эзгуликка тикиб нигоҳин,  
Оллоҳ унутганди ёвузлик шоҳин—  
Қудратли, лаънати Шайтонни тамом...  
Оллоҳ пойгоҳига етди-да, Шайтон,  
Ўту тўфон ичра тутақиб-ёниб,  
Дедики: «Ижодий режангга боқиб,  
Топмадим мен шоҳлик қилгувчи жойни...»  
«Саҳовати тутиб» одил Худойни,  
Унга ер тагини айлади инъом,  
«Хайф», деди Шайтонга далаю ўрмон.  
Аммо бахтга қарши ёвуз Шайтоннинг  
Масканининг усти Қозоғистонди.  
Ер тагида бўлиб хор,

Турармиди у бекор!  
Турфа маккорликнинг зўр ижодкори,  
Наҳс босган гўзаллик қиёфасида,  
Яхшилар дилига минг қутқу солиб,  
Уйнатди мўминни нағорасида.  
Оллоҳнинг ҳам сабри тугади охир,  
Шайтонни—бадқирдор қўшини билан—  
Оёқ-қўлларига уриб ғул-занжир,  
Заминнинг қаърига айлади маҳкам.  
Шундан буён бунда бўлар зилзила.  
Шайтон келишмайди қисмати ила,  
Заминнинг қаърида ўлтирмас сокиг,  
Қўзғалар таратиб оловли ёлқин.  
Туғдирар бу олов жазира, офат,  
Дарёлар қурийд, ёғар фалокат.  
Бешафқат Шайтонга ёғдириб қарғиш,  
Қозоғистон чўлга айланиб қолмиш...  
«Ана, холос!..»  
«Оллоҳни ҳам аҳмоқ қилибди, шоғвоз!»  
«Сомон тиқиб олганми бошига ху, ованди?»  
«Шайтон ҳам бўш келмапти, гарчи бўлса ҳам  
банди!»

Дурадгорлар, рельсқорлар,  
Тошқорлар «қаҳ-қаҳ» урар,  
Қўкка учади ғулу,  
«Шайтонга ҳам эрксиз  
Қийин экан-ку!»  
«Озод қилсакмикан ёки қамоқдан,  
Қозоғистон қутулар ҳар хил қийноқдан».  
«Йўқ, Шайтонни—тўдаси билан—  
Ушласак-да, жулласак маҳкам  
(Қочмасин деб шаталоқ отиб),  
Бир кўрсинлар арава тортиб».  
«Қани, торт-чи! Қани, қани!..  
Эҳ, сани!..»

«Бирдан кетса тортиб—  
Ажойиб!»  
«Шайтонсиз нима кечаркин  
Қозоқ даштларининг аҳволияти?»  
«Шунча ишни ким қилди?  
Совет ҳокимияти!  
Худосизлар, Шайтонсиз,  
Поплар айтган ёлғонсиз,  
Қамчиларсиз,  
Сервиқор—  
Турксибни қур!—Ол, тайёр!»  
«Тайёр»гача гап-ку, кўп».   
«Зарари йўқ, бўлиб тўп,  
Бир қунт қилсак, заминни  
Қазиб ташлаймиз тамом!»  
«Қазиб ташлаймиз тамом!»  
«Қазиб ташлаймиз тамом!»  
Ҳамма—жангчи, қаҳрамон!

Ёлғонни қўшмайин шарафли ишга,  
Ҳамма ҳам арзимас қаҳрамон дейишга.  
Ишқаллик юз бериб турди ҳар замон  
Улкан қурилишда—  
Буюк Турксибда.  
Ёвнинг йўлдаги илк қўрғони олдида,  
Денгизнинг илк хавфли тўфони олдида,  
Қў гармоққа ваҳима, сурон,  
Тайёр тургучи ҳар он  
Бемонлар, фитнакорларсиз,  
Хилларсиз, зиёнкорларсиз,  
Қўрқоқларсиз, калласи қовоқларсиз.  
Бақироқ аҳмоқларсиз  
Билармиди бирор улуғ иш.  
Улар дер ҳар ишда саркорлар айбдор.  
(Ҳар ерда шунақа ваҳмачилар бор),

Олдинга бормоқнинг ягона йўли,  
Эмишки, ўпмоқлик душманнинг қўли...  
Хуллас, оламда йўқ бирор-бир лашкар,  
Сафида бўлмаса тирик мурдалар!  
Ҳазил эмас эди бу сафар, ахир,  
Портлатишлар эмасди тўйдаги тадбир  
Росмана бўлди-ку, Турксибдаги жанг,  
Тоғлар портлатилди динамит билан.  
Темир из турсин деб абадул-абад,  
Тубсиз жар, дарёлар узра аломат—  
Йўлни ўтказдилар, кўприклар қуриб,  
Ажалу хатарни нарига суриб.

Темир йўлдаги бирор-бир йирик иншоот қурилиши тасодифий бахтсизлик, дилхираликсиз битмади. Темир йўл қурилишида хатарли ишлар кўп эди. Портлатиш, улкан кўприкларнинг тош иншоотларини қуриш, оғир юкларни ташиш, тоғда ўрмон кесиш, шахтада ишлаш, катта босим остида кессонли ишларни бажариш...

Бу йўл қай жойлардан ўтганини ҳамма билади. 1500 километрга яқин йўл фақат қумдан иборат ҳосилсиз ерни кесиб ўтади. Чўл заҳарли газанда ва ҳашоратлар: илонлар, чаёнлар ва қорақуртлар билан тўлиб ётибди. (Қорақуртларни «қора ўлим» деб ҳам аташади). Турксиб қурилиши жанговар фронтни эслатарди. На кучингни, на вақтингни аямай, ҳатто ўз ҳаётингни қурбон қилиб бўлса ҳам, душманни мағлуб қилиш шарт эди. Рақиб бўлса кучли. Маданиятдан йироқ, шафқатсиз саҳро техника ва маданиятни қаттиқ қаршилик кўрсатиб кутиб олди. Қумлар қўйнидаги бенажот саҳро шу пайтгача ўзини енгилмас санарди.

Аmmo бир кун етди ғалаба они,  
Таслим айладилар ваҳший саҳрони.  
Қумлар банди бўлди, тоғлар кесилди,



Баъзан зўриқсак ҳам ғалаба қилдик.  
Фақат идоралар ишига эмас,  
Ишчилар орасида ҳам олгани нафас,  
Гоҳо ялтоқланиб, гоҳида кулиб,  
Кирди суқилиб  
Ҳар хил юлғич,  
Юлдузларни бенарвон олғич,  
Ўткинчилар ва ароқхўрлар,  
Бугун умри қартага жўрлар,  
Ўғрилар, сохта қурувчи,  
Ишладим деб алдаб турувчи,  
Ҳатто жаназаси ўқилган  
Учта-тўртта бебурд оқлар ҳам...

Туркииб қурувчилари ўзларининг шонли ва машаққатли йўлларида фақат масофа билан курашиб қолмадилар. Бизнинг орамизда юлғичлар, буюк давлатчилик шовинизми билан касалланган унсурлар, турфа тусдаги саботажниклар, сохта мутахассислар, ўткинчилар, меҳнат интизомини бузувчилар ҳозир ҳам учраб тургандай, ароқхўрлар илгари ҳам учраб турарди.

Кураш. Кескинлик.

Баъзи бир жойларда ҳатто эзгинлик.

Ишчилар орасида—«чирик тоифа»—

Майхўрлик, қочоқлик, прогуллар ва...

Норизо ғулдирад ҳақни дегичлар,

Рост, бизда кўпайди кўзбойлагичлар.

Вақтида етказиб келинмас юклар,

Рельс, шпал кераксиз жойга тўкилар.

Паровозни

Тик қоядан ҳайдаганлар озми!

Ёки сувга—

Халойиқни солиб қўрқувга!

«Нега ер парчинловчи машина кўринмаскин?»

«Етишмайди, азизим!»  
«Нега этиклар йўқ, Товош муздади!»  
«Етишмайди, оғайни!»  
«Усқунани нега ташиймиз елкамизда?»  
«Қани ваъда қилинган чодир?»  
Ҳамма жойда етишмаслик ҳақида  
Гап кетаёттир.  
Гоҳ унда, гоҳ бунда  
Висир-висир  
Авж олар кунда:  
«Ими-жимиди-да, уларнинг иши!»  
«Дарғасиз кемага қолдик-да, тушиб!»  
«Комиссия йўқолсин тамом!»  
«Яна беришмоқда чирик нон».  
«Янги нонвойхонани  
Кўрмадингларми ҳали?»  
«Кўксига вивеска қадаб, турар ғоз,  
Ичида шамоллар қилмоқда парвоз».  
«Акт келар, кўринмас нон».  
«Аҳмоқ, ўқи, бўлар аён:  
Нон кўн яхши пишган. Зўр!»  
«Булар билан ишлаб кўр!»  
«Ёниб кетасан, ёниб!  
Хатлар қайда кетди қолиб!»  
«Тупик сочиб ҳуради: «вов-вов»,  
Гаплари баринона!»  
«Биродарлар, бизнинг ўтов  
Марказлашган музхона!»  
«Боқ, зап зўрми иштоним!  
Кўйлак ахлатхонадай!»  
«Битни ташиб келавер,  
Бу буюк ишхонага!»  
«Бир кўрсайдим ҳаммомни!»  
«Эсладим Манькахонни!»  
«Ҳаётни гурлатамиз!»  
«Гурлатиб бўлмас нонсиз!»

«Ширин бировнинг ризки!»  
«Эҳ, ҳаёт ипириски!»  
«Нон жуда ҳам гаройиб!»  
«Дўкончи ҳам ажойиб!»  
Мен ундан сўрасам нон,  
Тутқазди одеколон!»  
«Олифта боғинка нечун?  
Бизга этик керак-да»,  
«Ароқ деса чопасан,  
Йўқсан қизилбурчакда!»  
«Туя ҳам ичар эмиш...»  
«Ичади, аммо оз-оз...»  
«Озу лекин ичар соз!..»  
«Инженерга айтиб кўр!..»  
«Нимани ҳам айтайин,  
Чизма бергани билан  
Боқмаймиз унга тайин!»  
«Тахталарни қайга айладилар гум?»  
«Сарф қилиб қўйдилар бараклар учун»,  
«Бизнинг барак—шамолгоҳ!»  
«Узларига иссиқ-да,  
Бизга қилишмас парво!»  
«Қаерга қарамасанг,  
Бошлиқ бошлиқ устида,  
Аммо сомон тикишди,  
Тартибнинг ҳам пўстига!»  
«Жон ҳам ҳалқумга келди  
Елиб-югуриб,  
Қараб ҳам қўйишмайди ўринларидан туриб!»  
«Машиналар келар деб,  
Ичганлари онт—  
Қуруқ ташвиқот!»  
«Машина келган кунда,  
Бизлар бўлмаймиз бунда!»  
«Бўлса ҳамки темир зўр,  
Қўлни бир ишлатиб кўр!»

«Босдингми?  
Бунча лаълига солдинг?  
Қўрқитма!»

«Мотка!»

«Қолдинг!»

«Жон-а, вой, жон-а,  
Черков олди майхона!  
Бориб бут қучсаммикан,  
Ё ароқ ичсаммикан?

. . . . .

Қурувчилар шаҳарининг ошпази—  
Жукова Акулина бош хўжаликда  
Учиб қолди қозон-товоқнинг саси.  
Ошпазга йигитлар айтишар тикка:  
«Бел букчайди, мадор кетди, боқ,  
Очмиз,  
Ҳам чанқоқ.

Ахир, туя бўлмасак керак...»

«Ғалабага қолди-ку андак,

Олам қилажак таъзим!

Яқин тантана, базм!»

«Кулма, Акулинахон!»

«Чиданг. Қани, интизом?»

«Овқатсиз иш сўнгига етмоқ кўп оғир!»

«Суринибми, йиқилиб,

Йўлда ўлиб кетамиз...»

Уртоқ ошпаз сира ҳам бўш келмайди бари бир:

«Етамиз, йигитлар, етамиз!»

Не-не баланд довлардан ўтиб беҳадик,  
Бу мўъжиза, бу эртакнинг сўнгига етдик,  
Ароқхўру ваҳмачилар оғзин парчинлаб,  
Титилибмас,

Олға босдик минглаб, ўн минглаб—  
Майда-чуйда шахсий ўй тентиратган  
Шалпайган оломон суратидамас!

## Сафларни пайвандлаб интизом билан Олдик большевистик фаҳм-ла нафас!

Аввал қурилишга ишчиларнинг катта-катта тўдаси ўз ихтиёри билан оқиб кела бошлади. Уларнинг кўпчилиги юлғич кайфиятдаги, қозоқ ишчиларига нисбатан миллатчилик оғуси билан заҳарланган кишилар эди.

Сергиопол темирйўлчилар шаҳарчаси ишчилар комитетининг раиси қозоқ ишчиларига қарши тайёрланаётган қирғиннинг олдини олиш у ёқда турсин, ҳатто бу ишда айбдорларни ёқлашга мойиллик билдирди. Аммо ишчи оммаси ва совет суди қирғинга сабабкор бўлмиш бу бир тўда аксилинқилобчи муттаҳамларни қилмишига яраша жазолади.

Жанубий Турксиб экскаватор базаси ишчилар комитетининг раиси юлғичлар галасига бош бўлди. Мамали районидаги шимолий пунктлардан бирида ҳам шундай ҳол юз берди. Бу ерда юлғичликнинг ёнида яҳудийлар масаласи бўй кўрсатди.

Баъзан юлғичлик билан бирга аксилсовет кайфият ҳам юз оча бошлади. Бундай ҳоллар ишчи коржомаси тагида ўзининг қоронғу ўтмишини ва совет тузумига душманлигини усталик билан яширган бизга бегона одамларнинг қурилишга суқилиб кириши натижасида рўй берди...

Қизилбурчаклар оммавий ишларнинг марказига айланди. Қизилбурчаклар орқали ишчилар ўртасига адабиёт, кино, радио кириб борди. Бу ерда партия фаоллари тарбияланди. Социалистик мусобақани ташкил қилиш даврида оммавий иш айниқса жонланиб кетди. Моҳият эътиборига кўра Турксиб қурувчиларининг бу уч йиллик ишлари яхлит мусобақадан иборат бўлди... Чидаб бўлмайдиган шароитда, қишки бошпаналарсиз, иссиқ кийим-кечаксиз, сифатли овқатсиз, бир

лаҳза ҳам суръатни пасайтирмай ишни давом эттириш  
қаҳрамонлик эмасми, ахир?

Бутун умр кўз олдинда қум турса фақат,  
Юрагингни кемирар ҳасрат...  
Ёмғир—фалакнинг тансиқ ҳидояти.  
Саҳро шеърятини—  
Бўйини йўғон, «манманчи»,  
Кўчманчи  
Қабила тарнинг  
Бир-бирига қарши  
Олиб борган мангу кураши.  
Каргон ҳақидаги шеърят саси...  
«Денгиз қайиқларисимон тебраниб,  
Келарди туялар қумларни ёриб»<sup>1</sup>.  
Туриши назм!  
Аммо шеър амалда донм камтаскин.  
Азоб ичра туяларда тун-кун лўкиллаб,  
Қурувчилар шеър мазасин кўрдилар синаб.

Керакли ускуналарни ортганларидан кейин, одам-лар ҳам учта-учта бўлиб туяларга ўлтирдилар. Урда туялар жуда қаттиқ силкитади. Олдинда ўтирганни маҳкам ушлаб улгирмаган одам қор устига учиб тушарди. Энишда эса, тебраниб турган ўрқачлар орасида ўзни тутиб турмоқ мушкулот бўлди. Туялар «йўловчиларни» огоҳлантириб қўйишга одатланмаганлари учун, ҳар бир ҳаракати кутилмаган бўлиб чиқар, йиқилиб тушмоқ турган гап эди.

Учиб тушсанг, бўласан майинб,  
Шеърда эса бари ғаройиб:  
«Ҳилпираб борарди ўрқачлардаги,

---

<sup>1</sup> Бу сатрлар М. Ю. Лермонтовнинг «Уч хурмо» шеърдан олинган.

Сафар чодирларин сафар этаги.  
Қўллар кўтарарди уларни баъзан,  
Қора кўзлар чақнаб қолар дафъатан»<sup>1</sup>  
Назмда—хаёлинг учиб мисли қуш—  
Карвонлар ҳақида ўқимоқ на хуш!  
Туянинг ўркачи турмаса ботиб,  
Юмшоқ диван узра чўзилиб ётиб,  
Ўқисанг, нимхобнинг лаззатин тотиб.  
Назм ширин қилур турфа азобни.  
Гулларга буркайди ғам, изтиробни.  
Қўлнинг итоати, ҳокимнинг жабри,  
Қурбонлар фарёди, ғолибнинг қаҳри,  
Шарманда жангдаги сохта қаҳрамон,  
Енгилган юртдаги талону фиғон,  
Қаҳатчилик, ўлим, бемаҳал сўлиш—  
Агар келтирмаса бизларга ташвиш,  
Агар тўфон бўлса бизлардан йироқ,  
Гўзал сатрларда акс этар шу чоқ.  
Наҳот, гўзалпарастликнинг мўлжали—  
Зулмат ва пасгликдан ахтармоқ маъни.  
Биз ҳақмасмиз, наҳот,  
Оғунинг ўрнига куйланса ҳаёт?  
Шеърини лақмаликнинг ўрнига  
Тириклик, ҳақиқат қилинса баёт?  
Буржуйча чиройнинг пучмоғиданмас,  
Сохта маданият қучоғиданмас,  
Ишчи-деҳқон маданияти ҳақида  
Пролетар, совет адабиётида  
Гапирмоқ—тирик ақида!  
Айниқса,  
Замон билан юролмай изма-из,  
Ташландиқ, олис,  
Ҳозир ҳам қучоғи тўлган «оҳ-воҳ»га,

---

<sup>1</sup> Бу тўртлик ҳам М. Ю. Лермонтовнинг «Уч хурмо» шеъридан.

Ботқоқли юртларда, қумли саҳрода  
 Зулмат, ўлим даҳшатин ютиб,  
 Бизнинг кўмагимизни кутиб,  
 Еруғ кунларни ҳам, машаққатни ҳам  
 Тайёр турган биз-ла кўришга баҳам—  
 Ўзимизга ўхшаган одамлар орасида  
 Маданий ишларни тезкор  
 Авж олдиrhoқ  
 Жанговар шиор.  
 Бизлар бир мақсадда йўлда йўлдошмиз,  
 Ҳатто қўшиқдошмиз!  
 Қўшиғимиз содда, аниғу кўркам,  
 Худди тонгги ҳаво, мисоли кўклам,  
 Қанчалар соф бўлса бу тонгги наво,  
 Шунчалар тенгсиздир ва қимматбаҳо,  
 Шунчалар бахш этар тетиклик, шодлик!  
 Бу қўшиқ шунчалар қанотли!  
 Айниқса,  
 Кўзга тушса ногоҳон  
 Темирбетон!

Экскаваторлар, ер қазувчилар, замбилғалтакчилар  
 ишга киришдилар, ғишт терувчилар ва бетончилар кўз-  
 галиб қолдилар... Чилангарлар ўрнатган темирбетон тру-  
 баларнинг арматураларига қараб кўзинг қувонади. Иш-  
 чиларнинг айтишича, трубаларга бетон ётқизилишидан  
 аввал «худди тўй олдидаги келинчакнинг ўзгинаси» эди.  
 Уларнинг нозик, хушрўй арматуралари устига бетон  
 ётқизаётганларида, чилангарлар юзларини тескарига  
 бурдилар...

Ногоҳ шеърдай ярқираб кўринди  
 Металлтрест трубаси.  
 Худди тўй олдидаги  
 Келиннинг ўзгинаси.  
 Сохта ҳайбатигамас,



Нозик ишланишига  
Усталар қилар ҳавас.  
Ғамгин чайқашади бош:  
«Бетонга кўмишади...  
Бетончилар — бағритош...»  
Бизнинг гўзаллик янгича:  
Жим турару кўп ишчан.  
Бедоғ поклиги билан  
Маъдан, кўмир ичидан  
Бизни чорламагай беғам роҳатга,  
**Балки**  
Ундар меҳнатга.  
«Гўзаллик мухлисларин», майли, этсин ром,  
Маддоҳ шоирчалар тўқиган калом,  
Кўмсин ишқий дардчаларни  
Шеърнинг ғамгин синиқ парчалари!  
Бизга-чи?..  
Тушдан ҳам сирли, ғаройиб,  
(Бундай манзарага ким бўлур лойиқ!)  
Қулоқларимизга энг нозик садо,  
Ҳар қандай жодудан минг марта дуруст—  
Ногоҳ паровознинг бўлиши пайдо:  
Гурс! Гурс!  
Ду-ду-у-уд!  
Гурс! Гурс!  
Ана у келяпти.  
Еляпти!  
Елар!..  
Зарбидан зириллар ерлар!  
Ғилдираклар  
Айланар,  
Темирдан тўзғитиб калава!  
Халқ ҳайқирар:  
«Шайтонарава!»  
Маданий ғалабанинг аҳамиятини гапирмай,  
Хотимада қайтараман атай

Аввал айтганларимни Турксиб ҳақида:  
«Беҳисоб «рахмат» ёғилар қурувчилар ҳақига  
Пахта ўсадиган юрт қучоғидан.  
Ут ёқилар  
Қанчадан-қанча улкан  
Тўқув фабрикаларининг ўчоғига.  
Сахрога бахш этиб жон  
У томону  
Бу томон  
Вагонни қувиб вагон,  
Эшелону эшелон,  
Эшелону эшелон  
Утаверса ҳар замон  
Замин турса зириллаб,  
Қанча тўқув урчуқлари  
Айланади чуриллаб.  
Бошқа гап-сўзларни бир четга қўйй,  
Бу ҳақда юритай сўз:  
Икки тўлқин—Сибирь донию  
Туркистон пахтаси келди юзма-юз!»  
Қалбдаги армон-орзу  
Бугун қаршимизда-ку!  
Сибирдаги ёш-қари  
Бугун уялмай зарра  
Қичқиришар:  
«Ғалаба!  
Ғалаба!  
Ур-ра! Ур-ра!»  
Қачондир бир бола қийнаб бобосин  
Буюк ғалабанинг сўрса баҳосин,  
Сабру тоқатиниғу меҳнат нархини...  
Бобоси гапириб бергай охири:  
«Ғалаба келмади осон, болажон!  
Жуда оғир эди синов-имтиҳон,  
Шунчалар оғирки, тўзний, дели тўзимимиз,  
Болам,

Турксиб илк ғолиблик  
Ичида танҳо!..»

Ҳали бу советлар тузумимиз

«Жар ёқасидаги»,

«Куч етмайдиган»

минглаб муаммо,

Минглаб жумбоқни ечади бир-бир.

Ҳали кўп бўлади ваҳимали бақир-чақир.

Ҳасрат ичра ноумидлар пўнгиллаши,

Жаврамоғи, дод-фарёди ва йиғлаши—

Шунга ўхшаш майда-чуйда жирканч унларга.

Кўникканмиз Турксибдаги оғир кунларда.

Тинглаб номард йиғиларни ҳазар билан,

Жумбоқларни енгиб, ғолиб назар билан

Пўлат каби мустаҳкамлар тоифасин

Жипслаштириб бир оила—мўъжизага,

Илдам юрсин, дея «тарих паровози»,

Биз келтирдик улкан темир йўл юзага.

Октябрдан неки мерос жон-жонимиз,

Бошимиздан кечирганмиз, ишонамиз!

Ишонамиз! Ишонч ўтида ёнамиз-

Қи меҳнатнинг ғолиб ларзалари.

Музаффар лаҳзалари,

Мудом мардона,

Зарбдорона

Баъзан қийин

Меҳнатдан кейин

Темир-бетон каби метин-мустаҳкам

Пролетарча иттифоқнинг чўзиб қўлини,

Бирлаштирамиз бизнинг шарқ инқилоби билан

Жаҳон инқилобининг темир йўлини!

1930

## ИНТИҚОМ

(Афсона)

Москва яқинида яшарди ёш бир ўғлон,  
Ота ўлган урушда, ёлғиз она—меҳрибон.  
Бола каптар боқишни севар эди жонидан,  
Кетмас эди беозор дўстларининг ёнидан.  
Саҳар пайти бир куни, ҳали чиқмасдан қуёш.  
Елкасида оқ каптар, юрарди у яланг бош,  
Кўксин ушлаб ногаҳон ерга аста йиқилди,  
Дод демасди, дод саси томоғига тиқилди.  
Ер бағрида ётибди табиатнинг ўғлони,  
Қонхўр фашист ўқидан қурбон бўлди ёш жони.  
Ҳалок бўлди у, лекин бу ўлимнинг хабари  
Сарҳадлардан ўтди-ю, юриш қилди ёв сари,  
Тўсиқларга уринмай, окопларда суринмай,  
Қирди душман ичига соқчиларга кўринмай.  
Ҳар бир ерда бу шарпа пайдо бўлиб ногаҳон,  
Олчоқ душман кўнглига даҳшат солди беомон.

\* \* \*

Халқнинг оташ севгиси болага бахш этиб жон,  
Аста совуқ қабрдан бош кўтарди ёш ўғлон.  
Бош кўтариб ёш ўғлон юриб кетди илгари,  
Юриб кетди ёв томон худди тирик сингари.  
Кўзларида ғазаб-ўт, далалардан жим ўтар,  
Елкасида боланинг оқ қанотли кабутар.  
Майсаларни босмасдан, буталарни эгмасдан,  
Енгил қадам ташлайди миналарга тегмасдан.  
Сим тўсиқлар унга ҳеч, қўрқмай кетиб боради,

Қўрғонларнинг ёнига аста етиб боради.  
«Ким бу?» дея бир соқчи сўроқлайди бехосдан,  
Бола жавоб беради, дея: «Қонли қасосман»,  
«Ким бу!» дея қичқирар унга яна бир соқчи  
Тўсмоқ бўлар йўлини, бўлар уни тутмоқчи,  
Бола жавоб беради, дея: «Менман виждон, ор».  
Яна олға интилар аввалгидан шиддаткор.  
«Ким бу?!» дея сўроқлар учинчи бир посибон,  
Бола жавоб беради: «Мен—тафаккур, ақл, онг».  
Милтиқлардан ўқ узар, тўплардан ўт очар ёв.  
Портлар улкан бомбалар ҳарён қора дуд, олов.  
Ва лекин у бошини баланд тутиб жим ўтар,  
Елкасида боланинг оқ қанотли кабутар.  
Бу даҳшатдан титрар ёв, пароканда сафлари,  
Қўрқув тўла кўзлари узук-юлуқ гаплари.  
Энг ашаддий қонхўр ҳам талвасада бу замон:  
«Оқ каптарли болани ким кўрди?»  
«Йўқ, бу ёлғон!»  
«Елғон эмас, учинчи бригада кўрди-ку».  
«Йўқ, бу ҳеч алдов эмас, чиндир бу».  
«Йўқ, бу алдов!»  
«Елғон бу гап, гапирманг, бола ҳам ҳеч  
замонда...

«Ана ўзи!»

У ҳақда сўз очилган томонда—  
Бола пайдо бўлади — бу даҳшатдир нақадар!  
Елкасида боланинг оқ қанотли кабутар.  
Чексиз ғазаб-нафрат бор унинг маъсум юзида,  
Қасос ўти ёнади икки мовий кўзида.  
Қаршисида қалтираб, тиз чўкади ёв бари,  
Қўлин тутиб юзига ёлворади: «Нари кет—  
Кет, асло мен эмасман кўксинг олган нишонга».  
«Йўқ, мен эмас!»  
«Мен эмас, қасд айлаган ёш жонга».  
Лекин бола борар жим, бир сўз айтмас  
жавобан—

Шунда ёвни зўр даҳшат маҳв этади тамоман.  
Шунда душман тушунар яқин қонли интиқом.  
Бермоқ лозим жонга жон, бермоқ лозим қонга  
қон.

Душман қочар ҳар томон сезиб куни битганин,  
Гўдак хуни қўймасдан ёқасидан тутганин.  
Даҳшат солиб бу шарпа, ёв ичига боради,  
Додлатиб ёвузларнинг ўтакасин ёради,  
Муҳрланган қоғозда буйруқ келди қўшинга:  
«Бир овоза тарқалмиш, ишонманглар ҳеч бунга,  
Гўё бизнинг фронтда тентир эмиш кечалар  
Қандайдир бир бола, елкада бормиш каптар.  
Ёлгон эрур бу гаплар, ҳақиқатдан кўп йироқ.  
Ман этилар, қатъий бу овозага ишонмоқ.  
Ман этилар, бу ҳақда оғиз очиб сўзлаш ҳам,  
Ман этилар, бу ҳақда бир дақиқа ўйлаш ҳам!»  
Аммо тинмай тарқалар бу ҳақдаги овоза,  
Овозанинг йўлига ёпиб бўлмас дарвоза.  
Шарпа кезар ёв ичра, пайдо бўлар ҳар оқшом,  
Бу тафаккур, бу номус, будир қонли интиқом!  
Рус боласи ҳақида барча сўйлар куну тун,  
Уни Волга бўйида кўрдик дерлар тунов кун.  
Уша ерда илк бора ёвнинг қадди букилди,  
Уша ерда қор узра душман тутдек тўкилди,  
Мурдаларнинг устидан бола мағрур жим ўтар,  
Чап елгага қўнмишди оқ қанотли кабутар.

1943

## МУНДАРИЖА

Буюк инқилобнинг буюк шоири. *А. Алишбеков* . . . 5

### ЛЕНИН БИЗ БИЛАН

Доҳийга. *Ҳусниддин Шарипов таржимаси* : . . . . 9  
Қор учқунлари. *Барот Бойқобилов таржимаси* . . . 12  
Ноёб одамлар. *Барот Бойқобилов таржимаси* . . . 13  
Ҳеч ким билмаганди. *Барот Бойқобилов таржимаси* 14  
Ленин биз билан. *Эркин Воҳидов таржимаси* . . . . 16

### ДЕМЬЯН БЕДНИЙ—НОБОП ДЕҲҚОН ҲАҚИДА

«Безовта кутаман...». *Гулчеҳра ва Сайёр таржимаси* .17  
Демьян Бедний — нобоп деҳқон ҳақида. *Гулчеҳра* .  
*ва Сайёр таржимаси* . . . . . 18  
Лена. *Гулчеҳра ва Сайёр таржимаси* . . . . . 21  
Ёз. *Гулчеҳра ва Сайёр таржимаси* . . . . . 22  
«Ғусса билан тўлди сабр косамиз». *Гулчеҳра ва*  
*Сайёр таржимаси* . . . . . 24  
Дўстларимга. *Гулчеҳра ва Сайёр таржимаси.* . . . . 25

### НАВҚИРОН КУЧГА

Менинг шеърим. *Гулчеҳра ва Сайёр таржимаси* . . . 27  
Бонг. *Юсуф Шомансур таржимаси* . . . . . 28  
Қасам. *Гулчеҳра ва Сайёр таржимаси* . . . . . 29  
Сўнги довон. *Гулчеҳра ва Сайёр таржимаси* . . . . 30  
Коммунистлар Марсельезаси. *Гулчеҳра ва Сайёр*  
*таржимаси* : : . . . . . 31  
Ишчи аёлга. *Гулчеҳра ва Сайёр таржимаси* . . . . 34  
Маёқ. *Ҳусниддин Шарипов таржимаси* . . . . . 35  
Унутмангиз қасамни. *Ҳусниддин Шарипов*  
*таржимаси* : : . . . . . 36  
Олов сиртмоқда. *Ҳусниддин Шарипов таржимаси* . 37

Кузатиш. <i>Тўлқин таржимаси</i> . . . . .	38
Ниҳоллар. <i>Ҳусниддин Шарипов таржимаси</i> . . . .	42
«Исо тирилди». <i>Тўлқин ва М. Сафаров таржимаси</i>	43
Йўлчи юлдуз. <i>Ҳусниддин Шарипов таржимаси</i> . .	44
«Бу манзилга етиб келгунча...» <i>Юсуф Шомансур таржимаси</i> . . . . .	45
Биродаримга. <i>Ҳусниддин Шарипов таржимаси</i> . .	47
Буржуазия элегияси. <i>Юсуф Шомансур таржимаси</i> .	48
Қизил Питер ҳимоясига. <i>Юсуф Шомансур таржимаси</i>	50
Содда менинг қўшиқларим. <i>Юсуф Шомансур таржимаси</i> . . . . .	52
Куртак. <i>Зоҳиджон Обидов таржимаси</i> . . . . .	53
Ҳам олғаю, ҳам юксакка <i>Барот Бойқобилов таржимаси</i> . . . . .	54
«Ўртоқ соқолдор». <i>Зоҳиджон Обидов таржимаси</i>	55
Йўқотиб кўрсин-чи. <i>Барот Бойқобилов таржимаси</i>	58
Зулмат. <i>Барот Бойқобилов таржимаси</i> . . . . .	59
Фашистча баҳс. <i>Барот Бойқобилов таржимаси</i> . .	60
Дадилроқ. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> . . . . .	61
Навқирон кучга. <i>Нормурод Нарзуллаев таржимаси</i>	64
Қирпи. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> . . . . .	66
Асалари. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> . . . . .	68
Ўз халқимга зўрдир ишончим. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> . . . . .	70
*Ленинградга. <i>Отаёр таржимаси</i> . . . . .	71
Ғазаб. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> . . . . .	72
Одобли Бўри. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> . . . .	73
*Автоэпитафия . . . . .	74

#### ДОСТОНЛАР ВА АФСОНАЛАР

*Қатта кўча. <i>Усмон Азимов таржимаси</i> . . . . .	76
Зийнатнинг қасами. <i>Зулфия таржимаси</i> . . . . .	82
*Бахт. <i>Тўлқин таржимаси</i> . . . . .	86
*Аёлнинг йўқолган жаннати. <i>Ойдин Ҳожиева таржимаси</i> . . . . .	88
*Ер бахти. <i>Тўлқин таржимаси</i> . . . . .	103
* Шайтонарава. <i>Усмон Азимов таржимаси</i> . . . .	110
Интиқом. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> . . . . .	134



*На узбекском языке*  
*«Библиотека Дружбы»*  
*Поэзия народов СССР*  
Демьян Бедный  
*МОИ СТИХ*  
И з б р а н н о е  
*Стихи, баллады, поэмы*

Перевод с издания издательства «Художественная литература», Москва, 1965

Редактор *М. Аъзамов*  
Рассом *В. Алухтин*  
Расмлар редактори *И. Кириакиди*  
Техн. редактор *Е. Потапова*  
Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 975

Босмахонага берилди 04. 01. 80. Босишга рухсат этилди 03.06.80. P09070. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қозони № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 5,12. Нашр. л. 5,15. Тиражи 10000. Заказ № 72. Баҳоси 90 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.

Бедний Демьян.

Шеърим: Сайланма, шеърлар, балладалар, поэмалар / Тўпловчи: А. Алимбеков; Редкол.: ...Қ. Яшин (редкол. раҳбари) ва бошқ.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.—140 б.—(Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари шеърляти).

Машҳур совет шоири Демьян Беднийнинг номи ўзбек китобхоналарига яхши таниш.

Йигирманчи йиллардаёқ унинг китоблари Ўзбекистонда рус тилида, ўттизинчи йилларда эса ўзбек тилида чоп этилган. Ушбу шеърлар тўплами шоирнинг 1963 йили Тошкентда нашр қилинган тўплами асосида қайта тузилиб ва янги таржималар билан тўлдирилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётир.

Бедный Демьян. Мой стих.  
ББК 84 Р